

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети.

Джамилова Н.Н , Хасанбоева О.У.

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(Методик кўлланма)

Тошкент – 2008

КИРИШ.

Педагогика олий ўқув юртларида ўқитувчи кадрларни тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янгилаш, уларни дунёқарашини миллий истиқлол гоёлари асосида шакллантиришда «Педагогика» фани муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик касбга тайёргарликни ўзига хос миллий, илмий – назарий ҳамда амалий томонлари мавжудлиги уни амалга оширишда педагогика фанининг ўқитишни ўзига хос ва мос методикасига боғлиқдир.

Педагогика фанини ўқитиш шу фанни чуқур ва илмий методик даражада ўқитишга онд методик қўлланмада:

Педагогика фанини ўқитиш методикасини мақсади, вазифалари ундаги долзарб муаммолар, тамойиллари, методлари, ўқитиш жараёнида педагогик технологияларни қўллаш ,маъруза, семинар ва амалий , лаборатория машғулотларини ташкил қилиш методикаси ҳамда ўқитувчинини педагогик маҳорати ҳақида , талабалар билимини рейтинг назорати ҳақида маълумотлар берилган. Шу билан бирга педагогика фани ўқитувчиси учун Амалий жиҳатдан фойдаланиш учун методик тавсиялар иловада берилган.

1. БОБ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Педагогика фанини ўқитиш методикаси фанининг предмети ва вазифалари. Педагогика фанини ўқитиш методикасини шаклланиш жараёни педагогика фанини ўқув предмети сифатидаги ривож билан боғлиқдир.

Педагогикани ўқитишнинг дастлабки босқичларидан бошлаб тажрибалар тупланadi улар умумлаштирилиб, тизимлаштирилиб бoрилади. Улар асосида алоҳида қондалар ва тамойиллар шакллантирилади, ўқитишнинг айрим масалалари бўйича методик тавсиялар яратилади.

Тажрибаларни умумлаштириш асосида тадқиқотлар олиб бoрилади, уларни натижасида ўқитиш методикасининг ўзига хос қирралари аниқланади.

Педагогика фанини ўқитиш методикаси бу назария ва амалиётнинг синтезидир.

Педагогика фанини ўқитиш методикаси таълимнинг тамойиллари ва қондалари, таълим шакллари ва методларини асослашга қаратилади, бу эса бўлажак ўқитувчиларни юқори касбий тайёргарлигини таъминлайди.

Педагогика фанини ўқитиш методикасида материалларни танлаш ва тизимлаштиришда илмий методология асос бўлиб хизмат қилади.

Методология бу назарий билимлар тизими, илмий тадқиқотлар асосий, бошқарувчи тамойилларни белгиловчи, объектив борлиқдаги ҳодисаларни илмий таҳлил қилишни амалга ошириш воситасидир.

Педагогик билимлар методологияси педагогик назарияни тузилиши, тамойиллар, билимни ўзлаштириш усулари билан белгиланади.

Педагогик методология ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Педагогик билимларни тузилиши ва функциялари ҳақидаги таълимот.
2. Фундаменталь, умум илмий ва педагогик ҳолатлар (назария, концепсия, гипотеза).

3. Педагогик тадқиқотлар методлари ҳақидаги таълимот.

Педагогика фанини ўқитиш методикаси педагогик билимлар соҳаси бўлиб, педагогикани умумий ва хусусий методологиясидан фойдаланади.

Педагогика фанини ўқитиш методикаси, педагогикани фан сифатида ва уни методологиясини жадал ривожланиш босқичида шаклланади. Бу эса махсус фанларни ўқитиш методикаси фанини предмети бўлган таълим жараёнини тўғри ташкил этиш имконини беради.

Педагогика фанини ўқитиш методикаси фанининг вазифалари.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Бу қонунда таъқидланишича, таълимнинг мазмуни ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётий ва дунёвий демократик жамият бахт – саодати йўлидаги юқори унумли меҳнатига барқамол авлод қилиб тайёрлаш билан белгиланган.

Ушбу қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб – ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифаларида ойдинлаштирилади. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган вазифалар қиради. Бу вазифалар ичида илмий ва техникавий билимлар билан ёшларни қуроллантириш, аждодларимиз қолдирган тарихий ва маданий кадриятларга ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида ҳикматли фикрлар борки, улар бугунги халқ таълими тараққиёти учун ва миллий мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, иймон-эътиқод, мурувват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қаҳрамонлик, мардлик сингари туйғуларни тарбиялайди.

Шу билан бирга таълим-тарбия муассасалари учун алоҳида вазифалар қўйилган бўлиб, уларнинг мазмуни ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун билан муштаракдир.

Таълим муассасаларида бериладиган маълумот мазмуни тарихий хусусиятга эга. Кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида ёш авлодга бериладиган маълумот мазмуни, унинг ҳажми, муайян ижтимоий тузумнинг иктисодий талаби ва эҳтиёжи, фан-техника тараққиёти даражаси, маданияти ҳолати билан белгиланиб келинган. Фан-техника ва технология тараққиёти юкори даражада бўлган бугунги кунда таълим муассасаларида бериладиган маълумот мазмуни ўқувчиларга илмий билимлар бериш, уларнинг фаол ижтимоий фаолияти ташкил этишлари йўлида кўникма ва малакаларини шакллантиришни ифодалайди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим (маълумот) нинг мазмуни, аввало, комил инсон ва малакавий мутахассисни тайёрлаш жараёни мазмуни билан белгиланади.

Ушбу мақсадни ўзида акс эттирган маълумот мазмуни қуйидаги давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари, ўқув режаси ва дарсликлар мазмунида намоён бўлади.

2. Давлат таълим стандартларининг мазмуни. Давлат таълим стандарти умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлиги савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб берди. Ўз навбатида касб-хунар таълими, давлат таълим стандарти ўқувчилар касб-хунар тайёргарлигига, савиясига қўядиган (олий таълим ДТС талаблар мутахассислик тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган) мажбурий минимал даражани белгилайди.

ДТС (давлат таълим стандарти) таълим мазмуни шакллари воситалари, усуллари ва уларнинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида, мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли таълим муассасаларида (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шarti амалга оширилади. ДТС ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ўқув

режаси ва бошка маъёрий хужжатларни яратиш учу насос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг ДТС ўзининг тузилиши ва мазмунига кура давлат, худуд таълим муассасалари манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг мухими ўқувчи шахси, унинг интилишлари қобилияти ва кизикишлари устуворлигидан келиб чиқади.

ДТСни, унинг талабларини бажариш Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишдан қатъи назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг ДТС қуйидаги тамойилларига гаянган ҳолда ишлаб чиқилади:

- ДТС ни давлат ва жамият талаблари ва шахс эҳтиёжига мослиги;
- ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий таракқиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги;
- умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг бошка таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- таълим мазмунининг республикадаги барча худудлардаги бирлиги ва яхлитлиги;
- умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари тавлашда инновация (илғор) технология ютуқларига таяниш;
- педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги;
- илғор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларида миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

ДТС нинг таркибий қисми сифатида умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълим муассасалари учун таянч ўқув режаси ишлаб чиқилади. Таянч ўқув режа таълим соҳаларини меъёрлаш ҳамда таълим муассасаларини молиявий таъминотини белгилашга асос бўлувчи давлат ҳужжати саналади. Таянч ўқув режаси ўқув предметлари бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимал ҳажмидаги миқдорини белгилайди. Мазкур ҳужжат муайян синфда маълум ўқув предмети бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Ҳар бир синф якунида ўқувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар таълим (ўқув) предметлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурларида ўз ифодасини топади.

3. Ўқув дастури ва ўқув режаси, уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режаси – барча таълим муассасаларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув предметлари, мазкур предметлар учун ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми кўрсатилади.

Таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув режаси ишлаб чиқилади ва тегишли вазирлик томонидан тасдиқланади (Республика халқ таълими ёки олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан). Ўқув режаси таълим муассасаси маъмуриятига юборилади ҳамда мазкур режа асосида ўқув жадвали тузилади. Ўқув жадвалида ҳафта давомида ўқитиладиган ўқув предметларининг номи ва уларга ажратилган соатлар миқдори кўрсатилиб, ўқув юрти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Алоҳида аниқ бир фаннинг ўқув режаси шу фанни ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатидир.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омишларга асосланади:

1. Ўқув тарбия ишининг мақсади, ўқувчиларга аниқ илмий билим бериш, олган билимларини кўникмага айлантириб, уни ҳаётга қўллай олишга ўргатиш.

2. Мақтаб ўқувчиларига билим бериш ёшга қараб тизимга солинади ва кондаларга асосланади:

- бошланғич таълим 1-4-синфлар;
- умумий ўрта таълим – 5-9-синфлар;
- ўрта махсус касб-хунар таълими, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари.

Ўқув дастури ҳам худди ўқув режаси муҳим давлат ҳужжати бўлиб, унда муайян ўқув предмети, масалан: «Инсон ва жамият» фанининг мазмуни очиб берилади ва ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатилади.

Ўқув дастурлари тегишли таълим (умумий ўрта, касб-хунар ёки олий таълим) туридаги барча таълим муассасалари учун ягона, унинг талаблари тўла равишда бажарилиши мажбурийдир.

Дастур тушунтириш хати, бўлим ва мавзулар бўйича ажратилган соатлар ҳажми, дастур материали мазмуни ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Тушунтириш хатида ўқув предметининг аҳамияти, унинг фанлар тизимида тутган ўрни, улар ўртасидаги алоқадорлик, материални ўрганиш жараёнида хал этилиши лозим айрим бўлим ва мавзуларни ўрганиш хусусиятлари кўрсатилади. Ўқитиш (таълим) методлари ва воситаларини қўллашга доир тавсиялар берилади.

Соатлар ҳисобини асосли ўринларда ўзгартирилишига йўл қўйилади.

Дастур материали бўлимлар ва мавзулар бўйича тақсимланган бўлиб, ҳар бир мавзунини ўрганиш учун ўзлаштирилиши мажбурий бўлган тушунчалар тизимини, шунингдек, кўникма ва малакаларнинг аниқ кўрсаткичи берилади, ниҳоят, ўқувчиларга қўйиладиган якуний талаблар баён этилади.

Дастурдаги материал таълим ва тарбия мақсадлари, дидактик тамойиллар узвийлик ва изчилликка мувофиқ равишда танланади ва тақсимланади.

Ўқув дастурлари куйидаги тамойиллар асосида тузилади:

1. Дастур мазмунининг илмий хусусиятга эгаллиги.
2. Дастур мазмунининг ижтимоий-ғоявий хусусиятга эгаллиги.
3. Назарий ғояларнинг амалиёт билан бирлиги.
4. Дастур мазмунининг ижобий-тарихий хусусиятга эгаллиги ва аниқ бир ғояга асосланганлиги.
5. Дастур мазмунининг муайян тизимга эга бўлиши.
6. Ўқув предметлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланишнинг мавжудлиги.
7. Дастурни тайёрлашда ўқувчиларнинг психологик ва рухий хусусиятларини инобатга олиш.

Ўқув режаси ва дастури таълим муассасаси маъмурияти, ўқувчилар жамоаларининг сўзсиз амал қилишлари лозим бўлган давлат хужжатиدير.

Савол ва топшириқлар:

1. Педагогика фанини ўқитиш методикаси фанининг мақсади нима?
2. Педагогика фанини ўқитиш методикаси фанининг предмети нима?
3. Педагогика фанини ўқитиш методикаси фанининг вазифалари?
4. Давлат таълим стандартларининг тузилиши.
5. Давлат таълим стандартларининг мазмунини очиб беринг?
6. Ўқув режаси нима?
7. Ўқув дастурини мазмуни ва тузилиши?
8. Ўқув дастурларига қўйиладиган талаблар.

Адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Тошкент, 1997.
2. Мавлонова Р., Тураева О. Педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
3. Подласый И.П. Педагогика. 100 вопросов, 100 ответов. – М.: Владос-Пресс, 2001.
4. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Қ., Ниёзов Г. Педагогика (ўқув қўлланма). – Тошкент: Фан, 2006.

II. БОБ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ҲҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Дидактика (гр. – didaktikos - ўргатувчи) – ўқитиш ва таълим бериш муаммолари билан шуғулланади.

Педагогика назарияси фанининг таълим дидактика қисми таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. «Дидактика» грекча сўз бўлиб, «ўқитиш», «ўргатувчи» деган маъноларни англатади. «Дидактика» сўзининг маънавий таржимаси «Таълим назарияси» демакдир. Таълим назарияси таълим жараёни тушунчаси ва моҳиятини, таълим тамойилларини, таълим мазмунини, таълим методлари, шакллари ва воситалари мазмунини акс эттиради. Таълим назариясининг асосий моҳияти таълимни ташкил этишдан иборатдир. Таълимни ташкил этишдан асосий мақсад ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат.

Дидактика педагогиканинг соҳаси сифатида билим, кўникма ва малакаларни етқизишга оид уюшган фаолият қонуниятларини ва уларни ёш авлод томонидан ўзлаштирилишини ўрганади. У ўқитиш жараёнини йўлга қўйишга оид норматив талабларни ишлаб чиқади.

Жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражасига таяниб, дидактика ўзининг ўрганиш предметини ишлаб чиқади, ўқитишнинг мақсади (нега ўқитилади), ёш авлодни нимага тайёрланади, ўқиғишнинг мазмуни (нимага ўргатилади), ўқитишни ташкил этишнинг шакл ва методлари (қандай ўқитиш) ва унинг натижаларини ҳисобга олиш, назорат қилиш.

Дидактика асосини – таълим принциплари ташкил этади.

Принцип – раҳбар ғоя, асосий қоида, фаолиятга, ҳулққа нисбатан қўйилган асосий талабдир.


Таълим принципи – таълим жараёнига қўйиладиган асосий талабдир.

1. Таълимнинг тарбиявий хусусиятли принципи.

2. Таълимнинг илмийлиги принципи.
3. Таълимнинг тизимлилик принципи.
4. Таълимнинг тушунарлилиги принципи.
5. Таълимнинг кўргазмалилик принципи.
6. Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги принципи.
7. Таълимнинг пухталиги принципи.
8. Таълимни алохидалаштириш принципи.

1-жадвал

Таълим принципларига куйидагилар киради



1. Таълимнинг тарбиявий хусусияти принципи. Бу принцип бир канча йўналишлар буйича амалга оширилади:

- материал мазмунини Республика ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, мустакил ривожланиш йўлидаги муваффақиятлари, халқнинг меҳнатидаги ютуқлари, ҳозирги замон фани ва техникаси ҳамда маданияти билан боғлаш;

- шахса маънавий фазилатларни, интизомлиликни, катиятлилики ва меҳнатсеварликни тарбиялаш;

- таълим жараёнида ҳосил бўладиган ҳиссиётлар, кечинмалар ва таассуротларнинг ҳосил бўлиш жараёнини бошқариш:

- ақлий қобилиятларининг ривожлантирилиши ва шакллантирилишини амалга ошириш.

Бу йўналишларни амалга ошириш учун ўқитувчи ўзига қуйилган қуйидаги талабларга тўлиқ риоя қилиши керак:

Биринчидан. Ўқувчининг дунёқараши, унинг нуқтаи назари, эътиқоди қандай шаклланишини билиши керак. Ўқувчи фақатгина дарслик доирасида ўралиб қолмаслиги учун, кенг доирада фикрлаш, тасаввур қилиш қобилиятини шакллантириш зарур.

Иккинчидан. Ўқувчи шахсининг маънавий, меҳнатсеварлик, нафосатлилиқ фазилатларини такомиллаштиришда ҳар бир дарснинг аҳамиятини тушунтириб бориши керак.

Учинчидан. Ўқув жараёнида ўқувчиларда ҳис - туйғуларнинг пайдо бўлиши, юзага чиқиши ва ифода этилишини таъминлаш лозим.

Тўртинчидан. Ўқувчилардаги қобилиятларни юзага чиқишини кура билиш ва уларни такомиллашиши учун шарт-шароитлар яратиши зарур.

Ҳар бир ўқитувчи машғулотни юқорида айtilган талабларга риоя қилган ҳолда ташкил этса, таълимнинг тарбиявий хусусияти мактаб ўқувчиси шахсини шакллантиришда асосий таъсирчан омил бўлиши амалга ошади.

2. Таълимнинг илмийлик принципи. Бизни қураб турган борлиқни билиш жараёни мураккаб, зиддиятли бўлиши, ҳар-хил босқичларни, шакллар ва турларни ўз ичига олади. Илмий билиш нарсанинг ташқи тасвиридан унинг ички тузилишини тасвирлашга ўтишидан иборатдир.

Илмий билимлар қонуниятлар сари, назария сари олиб боради.

Илмийлик принципи илмий билимларнинг ўқув фаолиятидаги ўрнини очиб беради.

Агар ўқув материали нарсаларнинг фақат ташқи, кузатиладиган хусусиятларини ёритса, бундай билим илмийлик даражасига етмаган бўлади.

Агар ўқув материални билан конунлар, тушунчалар, формулалар ва теоремалар олами билан таништирса, бундай билимлар илмий билимлар деб аталарди. Улар ўқувчини ақлий ривожлантиради. Фақат ана шундай билимлардагина ўқув фанининг илмий мазмунини ўзлаштириб олишга келгусида эса фанни эгаллаб, меҳнатда фаол иштирок этишга имкон беради.

2. Илмийлик принципини амалга оширишда куйидаги талабларга риоя қилиш лозим.

- Ўқувчиларни педагогика, психология, методика фанларининг энг сўнги янгилеклари билан таништириб бориш.

- Ўқувчиларга ўргатилган, берилган ҳар бир илмий тушунча доимий равишда такрорлантирилиб бориши зарур.

- Илмий билиш методларидан фойдаланган ҳолда, ўқувчиларда мантикий тафаккурни ўстириш ва уларни ижодий ишга тайёрлаш.

- Доимий равишда ўқувчиларни етакчи олимларни ҳаёти ва ижоди ва илм-фанга қўшган ҳиссаси билан таништириб бориш керак.

- Дарс жараёнида янги илмий иборалардан фойдаланинг ва энг сўнги илмий кашфиётлар ҳақида тушунчага эга бўлинг.

- Ўқувчиларни қидирув-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватланг. Уларни энг оддий тажрибаларни ўтказиш асослари билан таништиринг.

3. Таълимнинг тизимлилик принципи. Таълимнинг тизимлилик принципи ўқувчилардаги илмий билимларни мустаҳкам ва чуқур бўлишига асосланади. Ўқувчилардаги агроф-муҳат тўғрисидаги билимлар, ўқув материаллари ўқув жараёнида кетма-кетлик асосида чуқурлаштирилиб борилсагина уларда мантикий фикрлаш ривожланиб боради ва улар ўқув материални осон ўзлаштирадilar.

Ўқувчи билимларининг илк манбаини, нарсаларнинг, ходисаларнинг ўзаро муносабатларини тасаввур эта билишлари шарт. Ўқув материали фаннинг маҳсус ишланган асослари, қисмлари, қоидалари, бўлинмаларидан иборатдир.

Фандаги билимларнинг мактабдаги ўқув материалига асос қилиб олинишини тўғри тушиниб етиш шарт. Ўқувчи томонидан материални ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтириш усулларига боғлиқдир. Ўқитувчининг маҳорати ва яхши тайёргарлиги ўқувчилар томонидан билимларни пухта ва тизимли тарзда ўзлаштиришга асос бўлади.

Бир ҳилдаги билим турли ҳил методлар, воситалар билан берилиши мумкин. Бунда ўқитувчи тушунтиришнинг энг мақбул методини танлаб олади.

Ўқувчиларга билим бериш уларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган режа асосида амалга оширилиши шарт.

Ҳар бир машғулотда таълим тизими маҳсулдор бўлиши кераклигидир. Бу демак, режадаги билимни чуқур ўрганиш, фикрлаш, хотирани, ҳиссиётни, тасавурни тарбиялаш ҳамда ўқув фаолияти давомида пайдо бўлган кийинчиликларни енгишга ёрдам берадиган ҳислатларни ҳосил қилишидир.

Амалий фаолиятга тизимлилиқ ва кетма-кетлик принципларини тадбиқ этишда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

- ўқувчиларни билимларни ўзлаштиришлари учун дарс жараёнида режа, схема ва жадваллардан фойдаланинг. Ўқув материални мантиқан тугалланган қисмларга ажратинг ва уни кетма-кетлик асосида уларга ўргатиб боринг;

- дарсда ва дарс режасига ҳар томонлама тўлиқ очиб бериладиган масалаларни киритинг;

- дарс ўтиш жараёнида дарс мазмунини кетма-кетлигини бузилишига йўл қўйманг;

- таълим жараёнида фанлараро боғлиқликдан фойдаланинг;

- таълимда тизимлилиқ ва кетма-кетликни таъманлаш учун ўтилган мавзуларни тез-тез такрорлаб боринг;

- такрорлашдан дарс бошида ўтилган мавзунини ўзлаштирилиш даражасини текшириш ва дарс якунида олинган маълумотни мустаҳкамлаш

мақсадида эмас, балки дарс давомида ҳар бир қисмини ўтиб бўлгандан сўнг ҳам фойдаланиш зарур:

- фанни бир бўлимини ўтиб бўлгандан сўнг умумлаштирувчи ва тизимга солувчи дарс ўтказинг;

- ўқувчиларни оғзаки жавоблари ва ёзма ишларида учраган хатоларни доимий равишда ҳушмуомилалик ва чидамлилиқ билан тўғрилаб боринг;

- дарс давомида ўқувчиларни ақлий фаолликларини ривожланиш қонуниятларига, ақлий фаолликни пасайиши ва кўтарилиш жараёнларини тўғри режалаштиринг;

- ўқувчиларга янги билимларни кетма-кетлик тарзида ўргатинг шундагина бу билимлар ўқувчилар онгида мустаҳкамланиб боради.

4. Тушунарлилиқ принципи. Тушунарлилиқ принципи ўқувчиларни ёш хусусиятлари қонуниятларига ва ўқувчиларни ривожланиш даражаларини таълимий жараёни ташкил этиш ва амалга оширишга мос қилишга асосланади.

Болани фикрлаш даражасига, тўплаган билимлари ҳажмига, ўзлаштирган малақа ва қўникмаларига мос бўлган билимларгина уларга тушунарли бўлади.

Ўқувчилар олган билим, шаклланган қўникма ва малакалар уларнинг ривожланиш даражасини белгиласа, шахсий тажрибаси билан исбот қилиниб, амалиётда қўлланса у билим тушунарли бўлади.

Янги билимни мактаб ўқувчисининг ўзида мавжуд бўлган билимлар ва унинг шахсий тажрибаси билан боғлаш керак.

Ўқувчини фикрлаш қобилиятини шакллантириш керак.

Билимни тушунарли бўлишга имкон берадиган шарт сифатида билишга қизиқиш уйғотиш лозим.

Ўрганилаётган билимларнинг мактаб ўқувчиси шахсини ҳар томонлама ривожлантиришдаги аҳамияти ва зарурлигини тушиниб етиш керак.

Тушунарлилиқ принципида енгилдан-оғирга, аниқдан-ноаниққа, оддийдан-мураккабликка қаби қоидаларга риоя қилинади.

Тушунарлик принципи амалга оширида куйидаги талабларга риоя этиш лозим:

- бола ўргатиладиган ва бериладиган билимлар уларни ёш хусусиятларига ва ҳар бир ёшда қабул қилиш имкониятларига мос бўлиши лозим;

- ўқувчини онги ва ақли белгиланган предметни ўрганишга тайёрланган бўлиши лозим;

- ўқувчиларга таълим беришда уларни ҳаётий тажрибаларини, кизиқишларини, ривожланиш хусусиятларини ўрганинг ва уларни ҳисобга олинг;

- таълим мазмуни ва улубларини танлашда ўқувчиларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинг;

- ўқув жараёнида кучли ўқувчиларни бўшаштирмаслик, ўрта ва бўш ўқувчиларда тез ҳаракатни ўстириш учун ҳаммага мос бўлган дарс ўтиш суръатини танлаш лозим;

- ўқувчиларда аниқ билимлар ва малакаларни шакллантиришда педагогика ва психологиядаги энг сўнгги янгиликлардан фойдаланинг;

- янги ва мураккаб материални ўрганишга кучли ўқувчиларни, ўқув материални мустаҳкамлаш учун ўрта ва бўш ўқийдиган ўқувчиларни жалб қилинг;

- ўқувчиларга дарсни тушунарли бўлиши учун тушунчаларни аниқ ифода этинг, айрим мавзуларни тушунтиришда ҳаётий мисоллардан, аниқ маълумотлардан ва адабиётлардан фойдаланинг;

- таълим жараёнида нимани тушунтириш зарурлигини, ёки нималарни болаларни ўзлари мустақил ўзлаштириб билиб олишларини ҳис қилинг;

- ўқувчиларни билиш фаолиятларинига бошқаринг ўқувчиларни янгиликларни топишга ўргатинг;

- таълим жараёнини тушунарли бўлиши учун, ўқитувчи ўқувчиларни мустақил таҳлил қилишга йўналтириши керак;

- таълимни тушунарли бўлиши бу ишчанлик билан боғлиқдир.

Ишчанликни ривожлантириш ва машқ қилдириш орқали ўқувчиларни узоқ давом этадиган фикрий фаолиятга ўргатиб бординг.

5. Таълимнинг кўргазмалилик принципи. Кўргазмалилик принципи – таълим жараёнида жуда кенг қўлланилади.

Ўқитишнинг кўргазмалилик принципига амал қилиш, демак бу – кўргазмали қуроолларга таяниш, ўқувчилар ҳиссий билишининг барча жиҳатларига раҳбарлик қилиш ва бошқаришдир.

Мактаб ўқувчилари учун кўргазмали қурооллардан фойдаланиш ривожлантирувчи аҳамиятга эгадир. Чунки улар умумлаштириш, таҳлил ва таҳлилдан хулоса чиқариш жараёнининг шаклланишига ёрдам беради.

Кўргазмалилик принципи ўқитувчига қуйидаги талабларни қўяди.

- Ўқувчи материални ўрганиш жараёнида ҳиссий образларнинг зарурлигини тушуниши керак.

- Ҳиссий образлардан машғулотда ўқувчилар ривожланишининг мустақил сифати жиҳатида фойдаланиш хусусиятини аниқлаш лозим.

- Машғулотда ҳиссий билимлар қайси бир кўргазмали қурооллар ёки техникавий воситалар ёрдамида шаклланишини ҳал қилиши керак.

- Ўқувчининг билиш фаолиятида табиатдаги мажуд нарсаларни, ҳодисаларни тасаввур қилиш қобилиятига эришиш керак.

- Ўқув материали нарсаларни, ҳодисаларни умумлашган тарзда тасаввур этишлари учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

- Болалар шакллар, ранглар, хис қилиш орқали фикрлайди, шунинг учун кўргазмали таълим улар учун муҳимдир.

- Таълимда ҳеч қачон фақатгина кўргазмалиликка суяниб қолманг у фақатгина ўқувчиларда фикрлашни ўстиришга ёрдам берадиган воситадир.

- Кўргазмалиликдан фақат кўрсатиш учун эмас, балки ўқувчиларни мустақил билим олишларида уларни тадқиқот- изланиш ишларини ташкил этишга ўргатишда ҳам фойдаланилади.

- Таълим ва тарбия беришда шуни ёдда тутинки, кўргазмали куруллар ўрганилаётган предмет ва ходисалар тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввурларни ҳосил бўлишига ёрдам беради.

- Кўргазмалиликда доимий равишда кетма-кетликка риоя қилинг.

- Кўргазмали воситаларни қўллаганда болалар билан уни бир бутунлигига, кейин эса асосий ва иккинчи даражали томонларини кўриш керак.

- Ўқувчилар билан биргаликда кўргазмали курул тайёрлашга ҳаракат қилинг.

- Ҳеч қачон ўзангиз яхши билмайдиган нарсаларни кўрсатманг, кўргазмали курулларни пухта қилиб ишланг.

- Замонавий кўргазмали куруллардан ўқув кўрсатувлари, видеотасмалар, слайдлар, таълимнинг техник воситаларидан ва улардан фойдаланиш методикасини билиш керак.

- Кўргазмали воситаларни қўллаш орқали болаларда диққатни, кузатувчанликни фикрлаш маданиятини, билимларни ўрганишга бўлган кизиқишни тарбиялаш мумкин.

- Кўргазмалилик кучли таъсир этувчи воситадир, шунинг учун ундан тўғри фойдаланиш зарур, агар ундан нотўғри фойдаланилса ўқувчиларни асосий вазифадан фикрларини тарқатиб юбориши мумкин.

6. Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги принципи. Бу таълим жараёнида асос қилиб олинган қоида сифатида қўйидаги учта муҳим жихатини ўз ичига олади:

- ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг онгли равишда тушунилиши;

- ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлиш;

- билиш фаолиятининг шаклланиши.

1. Ўрганиладиган билимлар ва муаммоли вазиятларнинг ўртага қўйилишидан бошлаб, ўқувчиларнинг материални онгли равишда тушиниши бошланади.

Айрим пайтда ўқувчилар таълим мазмунини онгли равишда ўзлаштира олмайдилар. Сабаби улар ўқув вазифасини хал этиш лозим бўлган муаммоли вазият деб қабул қилмайдилар, яъни. улар вазифани атрофлича ўйлаб кўрмадилар, фақат ўқитувчининг айтгани бўйича нима қилиш кераклигини ёдлаб олишади.

Вазифани тўлиқ тушуниб етгачгина ечимини кидириб топиш имконини берадиган асосий маълумотларни аниқлаб олиш керак.

Ўқувчилар янги мазмунга тегишли бўлган билимларни, махорат ва қўникмаларни эсга олишади, сўнгра янги материални ўзлаштиришга киришади. Айрим ҳолларда ўқувчилар янги билимга тегишли ўтилган темани қайтармай, онгсиз равишда янги материалларнинг енгил – елпи ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Бу ўзлаштирилган енгил – елпи билимлар тез кунда ўқувчиларнинг хотирасидан чиқиб кетади.

Ўрганилган қоидаларни билиш, уларни тушунтира олиш, янги билимлар асосида масалаларни еча билиш, машқларни бажара билиш, ўрганилган материалларни мустақил равишда такрорлай олиш; янги темани ўзлаштириш учун бошқа ўқув фаплардаги билимлардан фойдалана билиш, ўзлаштирилган билимларни кундалик ҳаётда қўллай билиш ва ўз билимларини даврий равишда чуқурлаштириш жуда муҳимдир.

2. Ўқувчиларнинг билим олишга онгли муносабатда бўлиши – бу ўқувчининг мактабга, ўқув машғулотларига, ўртокларига, ўқувчи сифатида ўзига бўлган муносабати тушунилади. Онгли муносабатни шакллантириш аввало ўқитишнинг мазмуни ва таълим бериш метдларига боғлиқ. Машғулот қизиқарли бўлсагина ўқувчи ўқишга интилиб туради. Бу ўринда кўп нарса ўқитувчига, унинг иш услубига, ўқувчиларга бўлган муносабатига боғлиқ.

3. Принципнинг учинчи жиҳати ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишдир.

Ўқувчи билиш фаоллигининг даражаси турлича бўлиши мумкин:

Энг юксак даража. Ўқувчи ўрганиш мақсадида мустақил равишда меҳнат қилади. Унинг дарсга фаоллиги, меҳнатсеварлиги ва билимга ташналиги оқибатида юз беради. Бу уринда ўқитувчининг вазифаси ўқувчига ўқиш вақтини тўғри ташкил этишга ёрдам беради, унга ақлий фаолиятини ривожлантиришни қулай усулларини ўргатишдан иборатдир.

Юксак даража. Ўқувчилар материални фаоллик билан, лекин ўқитувчининг раҳбарлигида остида ўраниладилар. Ўқитувчи уларга қийинчиликларни енгишда, қаътиятли, иродали бўлишда ёрдамлашган ҳолда улар фаолиятини йўналтириб боради.

Ўртача даража. Ўқувчилар таълим мазмунини ўзлаштириб олишга интиладилар, лекин турли сабабларга кўра диққат эътиборсиз бўлиб қоладилар. Ўқитувчи бу сабабларни аниқлаштириб, сўнгра таъсир кўрсатиб фаолликни оширади.

Паст даража. Ўқувчилар таълим вазифасини англайдилар, бироқ улар ўқитувчининг изоҳларига, китобга, амалий машғулотларга, мустақил ишлашга узоқ вақтга қадар диққатини қарата олмайдилар. Ўқитувчи бундай ўқувчилар учун қўшимча машғулотлар ташкил этиш лозим.

Энг паст даража. Ўқувчи вазифаси ўқувчи фаолиятини белгиламайди. У материални зарурат бўлгани учун ўзлаштиради, ички ғайрат ва омил туфайли эмас, балки ўқитувчи, ота-оналар, ката ёшдагилар мажбур қилганликлари сабабли. Одатда бундай ўқувчилар меҳнати самарасиз бўлади, улар алоҳида ёндошини талаб қилади.

Ўқитишнинг онглилиги ва фаоллиги принципи ўқитувчининг олдига қуйидаги талабларни қўяди:

Биринчидан. Ўқувчиларнинг онгли равишда тушунишини, онгли муносабатини ва билиш фаоллиги даражасини билдирадиган белгиларни билиш керак.

Иккинчидан. Материални онгли равишда ўзлаштиришга ёрдам берадиган ақлий ҳаракатларни, фикрлаш жараёнларини шакллантириш учун шарт-шароит яратиш керак.

Учинчидан. Ўқиш сабабларини ўрганиш ва ўқиш жараёнида ўқув машғулотларига, мактабга, ўқитувчиларга, ўртоқларига нисбатан ижобий муносабат пайдо бўлишига самарали таъсир кўрсатадиган омилларни назарда тутиш керак.

Туртинчидан. Ўқув машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида билиш фаоллигини ошириш воситалари ва усулларини махсус планлаштириш диққат-эътиборини, ишга қобилиятлилиқни шакллантириш шарт.

7. Ўқитишнинг пухталиги принципи. Таълим беришнинг муҳим вазифаларидан бири мустақил билим олишга, малака ва кўникмалар таъсир қилишга эришишдан иборатдир.

Билимларни ўзлаштиришнинг пухталиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- тушунтиришнинг илмийлиги ва тизимлилиги,
- тушунишнинг оңглиги,
- ўқувчиларнинг билиш фаоллиги,
- ўқиш сабабларига,
- китобларнинг сифатига,
- ўқитувчининг маҳорати ва х.к.заларга.

Таълимнинг пухталиги принципи ўқув жараёнига нисбатан қуйидаги талабларни қўяди:

Биринчидан. Машғулот материалида асосий фикрни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Машғулотда такрорлаш, тушунтириш, мустақамлаш асосий қисмларини ташкил қилади. Машғулотда ўрганиладиган материал назарий қоидалардан, аниқ маълумот, баён ва изоҳлардан иборат бўлиши керак.

Иккинчидан. Назарий билимларнинг асосий фикр негизида гуруҳланадиган, бирлашадиган қисмини яхши тасаввур этиш керак. Асосий қоидалар билим, кўникма ва малакаларнинг шакллантирадиган бўлса, у хотирада узок вақт сақланиб қолади.

Учинчидан. Үрганилаётган материалнинг нуктаи назарлари, эътиқодлари, дунёқараши билан боғлиқлиги билимларини пухталигини анча оширади.

Туртинчидан. Ҳуқувчининг билим кўникма ва малакалари амалиёт билан боғланса, яъни, амалда қўлланилса улар мустаҳкам бўлади. Ҳуқувчиларга олинаётган билимларининг амалий аҳамияти, ҳаётда уларни қўл келишини тушинтириш бу борада ўта зарур.

8. Таълимни алоҳидалаштириш принципи. Машғулот олиб боришнинг синф – дарс шакли мавжуд, яъни бунда жамоа ҳолда ҳуқув фаолияти ташкил қилинади.

Айрим ҳуқувчилар бунда тез ўзлаштириш қобилиятига, айримлари секин ўзлаштириш қобилиятига эгадир. Кимдир у фанга, кимдир бошқасига кизикади. Болаларнинг ёш хусусияти ҳам ўзлаштиришга ижобий ёки салбий таъсир қилади.

Шу сабабларга асосланиб таълим бериш даражалаштирилади (дифференциялаштириш) ва алоҳидалаштирилади (индивидуаллаштириш).

Даражалаштириш икки хил маънода бўлади:

Биринчидан, таълимнинг мазмунига нисбатан ижтимоий талабларга, ҳуқувчиларнинг мойиллигига мувофиқ даражалаштирилган тарзда ёндошув (алоҳида фанлар бўйича мактаблар ва бошқа тилда): Бундай ёндошув индивидуал кизикишлардан, ҳуқувчиларнинг қобилиятларидан яхшироқ фойдаланишга ёрдам беради;

Иккинчидан, синфни қобилиятлилар ва ўқитиш даражаси бўйича бир неча гуруҳларга бўлинади;

Қолоқ ва ўрта ўқиётган ҳуқувчиларга нисбатан алоҳида ёндошув талаб қилинади. Алоҳида ёндошув ёрдамида ҳуқувчиларда ақлий ҳаракат ва фикрлаш жараёнлари шаклланади.

Шундай қилиб, ҳуқувчиларнинг билимини мустаҳкам ўзлаштиришларига, билим ва малакани эгаллашларига барча таълим принципларини –

тушунарлилик, тизимлилик, илмиймик, кўргазмалилик, онглилик ва ўқувчилар фаолиятини амалиётга тадбиқ этиш билан эришилади.

Юкорида қайд этилган принципларнинг барчаси камровли (комплекс) тарзда қулланилмайди. Уларнинг ҳар бирига ижодий тарзда ёндашилади.

Таълим принципларни қўллашда қуйидаги тавсияларга риоя қилиш керак.

1. Ўқитувчи фақат бир таълим принципига суянмаслиги керак. Асосан уларнинг тартибига, илмий асосланган мақсад танлашга, методларни белгилашга ва ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш воситаларини ажратишга ва ўқув жараёнини ташкил қилишга эътибор бериш лозим.

2. Ўқитувчи ҳар бир принцип ва уларнинг тартибига, асосий қонунлар ва қонуниятларни ҳаётга тадбиқ этувчи, ҳозир давр таълим концепциясининг негизи деб билиши керак.

3. Ўқитувчи педагогик жараённинг ўзаро таъсир этувчи қисмларини билиши ҳамда таълим принципи қонуниятларига суянган ва педагогик жараённинг уйғунликда бўлишига эришган ҳолда, қисмларнинг ўзаро таъсирини тартибга солиши керак.

Савол ва топшириқлар:

1. Таълим принципи деганда нимани тушунасиз?
2. Педагогикада қандай принциплар тизимдан фойдаланилади?
3. Таълимнинг тарбиявий хусусияти принципнинг моҳияти нимада?
4. Таълимнинг тизимлилик принципи моҳияти нимада?
5. Таълимнинг илмийлик принципи.
6. Таълимнинг кўргазмалили принципи ва унга қўйиладиган талаблар нима?
7. Таълимнинг тушунарлилик принципини моҳиятини очиб беринг?
8. Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги принципи ва унинг моҳияти?

Адабиётлар:

1. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г. Педагогика (ўқув қўлланма). Тошкент: Фан, 2006.
2. Педагогика (Мунавваров А. таҳрири остида).- Тошкент, 1997.
3. Зуннунов А., Маҳкамов У. Дидактика.- Тошкент: Шарк. 2006.
4. Подласый И.П. Педагогика 100 вопросов, 100 ответов.- М.: Владос-Пресс, 2001.

III. БОБ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ УЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИДА УЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

1. Таълим жараёнида методларнинг педагогик моҳияти. Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди.

«Метод» юнонча *metodos* сўз бўлиб, «йўл», тадиқ қилиш каби маъноларни англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргалликдаги фаолиятларидир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усулларини ҳамда ўқув материални назарий ва амалий йўналтириш йўлларини англатади.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш ҳаракатларини бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Таълим методи ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўқиш вазифаларини бажаришга қаратилган назарий ва амалий билиш фаолияти йўлидир.

Ўқитувчи инсоният тажрибасида тўпланган билимлар билан ҳали бу билимларга эга бўлмаган боланинг онги ўртасида воситачилик ролини ўнайди.

Бола ижтимоий-тарихий тажрибадаги барча билим бойликларини таълим олмасдан, ўқитувчисиз, мустақил ҳолда ўзи тизимли тарзда ўзлаштира олмайди. Ўқитувчининг энг ката хизмати ўқув материални ўзлаштиришнинг муайян йўл, усул ва приёмларини белгилашда намоён бўлади.

Таълим методи ўқув материални баён қилишга ва уни болалар яхши билиб олишга қаратилган фаолиятнинг йўли, усулидир. Таълим жараёни ва натижалари ўқитувчининг ўқувчилар билиш фаолияти ҳаракатини белгиловчи иш усуларига боғлиқдир. Шу сабабли доимо педагогикада таълим методларига ўқитувчининг иш усуллари ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти усуллари деб қараладики, бу усулларнинг ҳар иккаласи ҳам ўқув вазибаларини бажаришга қаратилгандир.

Таълим методлари ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг хусусиятини белгилайди, таълимнинг мақсади ва мазмунига боғлиқ бўлади.

Таълим методлари теварак-атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонуниятларини тушунишга боғлиқдир, яъни улар фалсафий фикрларни, таълим жараёнининг моҳияти ва тамойиллари тўғри англаш натижасидир.

Таълим методлари ўқув материал мазмунида ифодаланган илмий фикр мантиғига боғлиқдир. Ўқув материалнинг мазмуни тобора чуқурлашиб, мураккаблашиб ва илмий ҳус олиб боромоқда, шунинг учун таълим методлари илмий билишнинг мантики ва методларига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб келмоқда.

Таълим методи психологик асосга эга. Боланинг ўқув материални ўзлаштиришдаги ёш имкониятлари ва унинг етуқлик даражаси ўқитиш ва ўқиш усулларига жуда катта таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва шахсий хусусиятларини яхши билиш ўқитишнинг самаралироқ усулларини топиш имконини беради.

Таълим методлари ўсаётган организмнинг анатомик-физиологик, биологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилишда уларнинг ёшига ҳос биологик ўсишни ҳисобга олиш керакки, таълимнинг кўпгина жиҳатлари иш қобилияти, чарчаш, ижодий қайфият, жисмоний соғлиқ, мактабдаги гигиена шароитлари айнан шу ўсишга боғлиқдир.

Таълим меъодлари назарий жиҳатдан яхши асосланган бўлиши, педагогик назариядан келиб чиқиши керак, ammo, таълим методлари амалда қўлланилмаса, фойдасиз бир нарсага айланади.

Амалий йўлланганлиги таълим методларининг энг муҳим томонларидан биридир. Бу методларда педагогик назария амалиёт билан бевосита боғланган. Назария қанча чуқур ва илмий бўлса, таълим методлари ўшанча самарали бўлади. Педагогик қарашларда назария қанча кам ифодаланган бўлса, таълим методлари бу назарияга шунча кам боғлиқ бўлади.

Педагогика фани мактаблар ва ўқитувчиларнинг илгор иш тажрибаларини умумлаштиради, анъанавий таълимнинг илмий асосларини кўрсатиб беради, ўқитишнинг замонавий, самарали методларини ижодий равишда излаб топишга ёрдам беради.

2. Ўқитиш методларининг таснифи. Педагогикада ўқитиш методларини таснифлашга ягона ёндошиш мавжуд эмас. Ҳозирги дидактикада ўқитиш методларини билимлар манбаи бўйича (С.О.Лордкипанидзе, Е.Я.Голант), дидактик мақсадлар бўйича (Б.П.Есип), билиш фаолиятининг савияси бўйича (И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, М.И.Махмутов) фарқлаш энг кўп тарқалган.

Методларнинг бинар схемалари, уларни уч ўлчовли, ва хатто сетраэрдик фарқлаш ҳам учрайди. Анна шу таснифларнинг хар бирида афзалликлар ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар адабиётларда етарлича таҳлил қилинган.

Ўқитиш методларини билиш манбалари бўйича таснифлаш анча оддий бўлиб, улар мактаб амалиётида кенг тарқалган. Бу белги бўйича методлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади: ↵

1. Оғзаки методлар (билимларни сўз билан баён қилиш, суҳбат, дарслик маълумотнома ва илмий адабиётлар билан ишлаш).
2. Кўрсатмалли методлар расмлар, намойишлар, кузатишлар.
3. Амалий методлар (масклар, лабораториядаги амалий ишлар).

Булар маълум даражада шартлидир, чунки мазкур методларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни доим ҳам аниқ чегаралаб бўлмайди.

Ҳар бир ўқитиш методининг ўз вазифаси бор. Адабиётларда ўқитиш методларининг рағбатлантирувчи (мотивлашган), таълимий, тарбиявий ва камол топтирувчи умумпедагогик вазифалари ифодаланган.

Ўқитувчи дарсга тайёрланишда ва унинг учун энг мувофиқ методларни танлашда айнан шу методларнинг бажарилиши мумкинлигини ва уларнинг структурасини ҳисобга олиб, шу асосда, масалан, рағбатлантириш, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини кучайтирувчи мураббийдир.

Таснифлаш таълимнинг назарий асосларини кўришда ёрдам беради, педагогик фикрни чуқурлаштиради ва шунга кўра ижод учун асос бўлади. Ўқитиш методларини таснифлаш ўқитувчилар фаолияти ўртасида тақсимланади. Биринчи гуруҳга ўқитиш усуллари ва иккинчи гуруҳга эса ўқиш усуллари киради. Қуйида ўқитиш методларининг таниқли олимлар тавсия этган таснифларни кўриб чиқамиз.

Хоразмий, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Ибн Сино, Бурхониддин Заркужийларнинг методлари таснифларида асосан мангикий билиш фаолиятини кучайтириш назарда тутилган бўлиб, улар кўнникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, кўрсатмалилик – тажриба, амалий, назария билан амалиётни ўзаро боғлаш, изланиш методларидан иборатдир.

И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткин ўқитиш методларини қуйидагиларга ажратадилар:

- тушунтириш – расмлар методи;
- репродуктив метод;
- муаммоли баён қилиш методи;
- қисман изланиш методи;
- тадқиқот методи.

М.А.Данилов ва Б.П.Есиповнинг таснифи маълум турдаги дарсларда қўйиладиган вазифаларга боғлиқдир.

1. Билимларни баён қилишда: ҳоёя – тушунтириш, маъруза, суҳбатлар, кўрсатмалли қўлланмаларни намойиш этиш.

2. Ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш: машқларни шакллантириш ва амалий ишлар.

3. Билим, кўникма ва малакаларни текшириш – жорий кузагишлар, оғзаки сураш, ёзма ва амалий назорат ишлари.

С.И.Перовский ва Е.Я.Голанд таснифи: фаол ва пассив методларга бўлиш:

- агар ўқувчилар мустақил ишласа. фаол методлар (лаборатория методи, китоб билан ишлаш);

- агар ўқувчилар фақат тингласа ва эшитса, пассив методлар (ҳикоя, маъруза, тушунтириш, намойиш қилиш методи, экскурсия). Бундай таснифлар маъқул эмас, чунки у ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги принципини бузади.

Ю.К.Бабанскийнинг таснифи. Методларни учта ката гуруҳга бўлиш:

- ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- уларни рағбатлантириш ва мотивлаштириш;

- назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш методлари (иккинчи гуруҳда ишнинг қатор янги методлари ва усуллари мавжуд). Муаллиф қуйидагиларни тавсия этади:

- билишга доир ўйинлар, ўқув мунозаралари, қизиқ вазиятларни вужудга келтириш, рағбатлантириш, танбех бериш ва назорат методлари.

Т.А.Ильина олимларнинг таснифларини умумлаштириб, Ю.К.Бабанскийнинг таснифини маъқуллаган ва таснифлашнинг қуйидаги тартибини тавсия этган:

- янги билимларни (ўқитувчининг сузларига таянган ҳолда бериш учун фойдаланилган тушунтириш, ҳикоя, мактаб маъруза методлари);

- янги билимлар ўзлаштирилиш, мустақкам малакалар шаклланиши учун фойдаланиладиган методлар: суҳбат, экскурсия, эксперимент ва лаборатория иши, дарслик ва китоб билан ишлаш, ўйинлар, машқлар;

- дарснинг ҳар бир босқичида фойдаланса буладиган техник воситалар билан ишлаш методлари;

- мустақил иш.

С.П.Баранов ўз таснифини гуруҳлар бўйича тақсимлайди. Биринчи гуруҳга ўқитишнинг ўқитувчи энг асосий роль ўнайдиган ҳикоя, суҳбат, таснифлаш, тушунтириш ва ҳоказоларни киритади. Бунда ўқувчининг асосий вазифаси ўқитувчи мулоҳазаларнинг мантиқига эргашши, баён қилинаётган мазмунни тушуниш, эслаб қолиш ва кейинчалик ўрганилган материални қайта гапириб бера олишдан иборат бўлади. Унинг фикри ўқитувчи мулоҳазаларининг тизимига қанчалик яқин бўлса, ўқув материални ўрганишнинг тавсия этилган йўли шунчалик ишончли бўлади. Ўқувчининг асосий вазифаси – ўқитувчининг гапларини тинглаш ва уларни тушуниб олишдир.

Иккинчи гуруҳга ўқишнинг йўллари: машқлар, мустақил, лаборатория, амалий ва контрол ишлар киради. Ўқувчи фаолиятининг характери тавсия этилган методнинг самарадорлигини белгилайди. Ўқитувчининг роли болаларнинг ўқишига моҳирона раҳбарлик қилишдан иборат бўлади.

Таснифлашнинг шундай турлари ҳам мавжудки, уларда ўқитиш методлари ўқишнинг тегишли методларига: ахборот – умумлаштириш ва ижрочилик тушунтириш ва репродуктив, индуктив – амалий ва махсулли – амалий, тушунтириш – даъват ва қисман изланишли, ундовчи ва изланиш тарзига мос келади. (Л.Н.Махмутов).

Амалда ўқитиш методларини таснифлашга билимлар манбаи мантиқан асослар бўйича (Н.М.Верзилин) билимлар манбаи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятидаги мустақиллик даражаси бўйича (А.Н.Алексюк, И.Д.Зверев ва бошқалар) баравар ёндоқиш энг кўп учрайди.

С.Г.Шаповаленко методларнинг тўрт жиҳатини: мантикий – мазмуний, процессуал ва ташкилий бошқарилиши жиҳатларини кўриб чиқади.

Методларни таснифлаш муаммосига турлича қарашлар улар ҳақидаги билимлар табақаланиши ва бирлашининг табиий жараёнини акс эттиради (Светловская, Суворова, Львов, Мавлонова ва бошқалар).

3. Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методларга қўйиладиган талаблар. Таълим методлари олдига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Ўқув материални ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик усулларини, миллий истиқлол ғоясига ҳамда миллий кадриятларга асосланган ахлоқ, хулқ-атворнинг иродавий сифатларини шакллантиришга олиб келиши керак.

Шу талаб нуқтаи назаридан қараганда, таълим методи тарбияловчи характерда бўлиши, яъни билимларни ўзлаштиришгагина эмас, балки таълимнинг тарбияловчилик имкониятларини ишга солишга ҳам ёрдам бериши керак.

2. Таълим методи илмий далилар билан равшан ва аниқ асосланган бўлиши лозим. Ана шунда ўқитувчи, бу метод билан ишлашда қандай вазифаларни қўйиб, ҳал қилиш мумкинлигини ва қандай вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини кўра олади. Методнинг илмийлиги ўқувчиларнинг равшан ва аниқ фикр юритишини: материалларни ўзлаштириш жараёнидаги далил-исбот ва муҳокамаларнинг мақсади, воситалари, усуллари, асосий ва иккинчи даражали натижаларни ҳам билдиради.

3. Таълим методларнинг тизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди. Ўқув материални ўрганишнинг ҳар қандай алоҳида олинган усули, гарчи, шу дарсда қўлланиш учун жуда қулай бўлса ҳам, ўқитишнинг бошқа методлари билан бирга қўлланилмаганда ўқувчилар ақлининг ўсишига унча таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

4. Таълим методлари олдига муқаррар суръатда қўйиладиган яна бир талаб – уларнинг тушунарли бўлишидир. Ўқитиш йўли ўқувчига тушунарли


ва мақбул бўлиши. Ўқув материални ўрганиш усуллари эса унинг билимларни ўзлаштиришдаги ёш имкониятларига мувофиқ келиши лозим.

5. Болани сезги органлари орқали билишга ўргатиш ва ўқув жараёнида кўрсатмалли қурооллардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таълим методлари олдига қўйиладиган муҳим талабдир. Таълим методларини таълимни онгли ва фаол шаклда олиб бориш тамойили нуқтаи назардан асослаш зарурлиги ҳам муҳим талаблардан биридир. Боланинг ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлиши, ўқув материали мазмунини онгли равишда тушуниши, ундаги билиш фаоллиги ва кизиқишининг даражаси ўқитувчининг тушунтириш методларига ва болаларнинг билимларни ўлаштириш усулларига боғлиқ.

6. Таълим методлари олдига қўйиладиган талаблардан яна бири билимларнинг асосли ва пухта бўлишидир. Таълим методлари яхши натижа берадиган бўлиши лозим. Ўқитувчининг тушунтириш ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш усули режалаштирилган ёки мўлжалланган натижани бериши керак.

4. Методларнинг турлари. Методлар бир канча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга қирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнини ўзи узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотларини эса саклашни ҳамда олинадиган билим ва қўникмаларни амалиётда қўллаш олишни назарда тутишни ҳисобга олсак, биринчи гуруҳ методларига сўз орқали узатиш ва ахборотни (информацияни) эшитиш орқали қабул қилиш методлари, оғзаки методлар, хикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар; ўқув ахборотини кўргазмалли узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари – кўргазмалли методлар; тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар; ўқув ахборотини амалий меҳнат характери орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар) қиради.


Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда амалиётда кенг қўлланаётган методларни, асосан қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин.



Ўқув материални оғзаки баён қилиш методи мактаб таълим мазмунда энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, мазкур методга барча ўқув предметлари бўйича барча синфларда мурожаат қилиш мумкин.

Ушбу метод баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан-тўғри ўқитувчининг жонли нутқи орқали идрок қилиниши билан тавсифланади ва ана шу хусусиятига кўп таълимнинг бошқа методларидан фарқ қилади.

Ўқув материални оғзаки баён қилиш методи қуйидаги 5 турда қўлланилади.



Ҳикоя қилиш ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид нарса, ходиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир (баён қилиш 1-4-синфларда

10-12-дақиқа, 5-7-синфларда 15-20-дақиқа, 8-9-синфларда 30-40 дақиқа бўлиши мумкин). Ҳикоя қилиш ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда кенг қўлланилади.

Ҳикоя қилиш давомида ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб, қолмасликларига, аксинча, улар фаолликни ошириш, диққатни мавзуга сафарбар қилиш, ҳодиса ва воқеалар устида фикр юритиш, фикр алмашиш мақсадида саволлар бериб бориш, кўرғазмални қурооллардан фойдаланишга эътибор бериш лозим.

Мактаб маърузасида ўтилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиқ бериш, улардан илмий ҳулосалар чиқариш ва умумлаштириш йўли билан, бир соатлик машғулот давомида билимларни изчиллик билан тулик баён этадилар.

Мактаб маърузаси, асосан юқори синфларда қўлланилади. Унда мавзу сидирғасига баён қилинса ҳам, бошқа ўқув материалининг унсурлари билан бир қаторда оғзаки баён қилиш методининг турлари – ҳикоя қилиш, тушунтиришлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Мактаб маърузаси қуйидаги талаблар асосида ташкил этилади:

1. Материалнинг таълим тизими олдидан турган умумий талабларни амалга оширишга хизмат қилишга эришиш.

2. Материалнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш, тарбиявий таъсир воситаларини аниқлаш.

3. Маъруза жараёнида ўқувчиларни мавзуга оид фан янгиликлари, кашфиётлар билан таништириб бориш.

4. Баён қилишда ўқитувчи нутқи ягона билим манбаи ҳисобланади, шу боис у раво, тушурнали, ифодавий бўлиши лозим.

5. Маъруза жараёнида ўқувчи учун нотаниш бўлган сўз ва ибораларга изоҳ бериш, қонда ва қонунларнинг таърифи сода, ихчам ва тушунарли бўлиши керак.

6. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган таърифларни ёзиб боришлари керак.


Ўқув материални тушунтириш урганилаётган ходиса, конун, қоида ёки харакатнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган. Ўқитувчи муайян бир предметнинг у ёки бу мавзуга оид конун-қоидалар қанчалик асосли эканлигини далиллар, мисоллар келтириш йўли билан исботлаб беради.

Сухбат методи кўпинча савол-жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки бу метода дарс ўтилса, у асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади.


Ўқитиш жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи сухбатлар ҳам қўлланилади, шунингдек, ўқувчилар томонидан янги ўтилган мавзу қанчалик тушунганларини текшириш мақсадида ҳам сухбат ўтказилади. Сухбат методи билан иш кўрганда, машғулотларни ташкил қилиш ва уни олиб боришда ўқитувчи қуйидагиларга амал қилиши керак:

1. Ўқитувчининг сухбат учун тайёрлаб келган саволлари синф ўқувчиларининг ҳаммасига тааллуқли бўлиб, сўроқ ўртага ташланиши керак.
2. Ўқувчилардан бири жавоб бериш учун чақирилади.
3. Синфнинг барча ўқувчилари жавоб бераётган ўқувчини қунт билаг тинглаши, унинг жавобини тўлдириши, тузатиш, ойдинлаштиришга ёрдам беришини таъминлаш лозим.

Дарслик ва китоб билан ишлаш материални оғзаки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб, мактаб амалиётида муҳим ўрин тутади. Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараёни ўз ичига олади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинган билимларни, ўқув материалларни китоб матнidan кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришини ҳам назарда тутади. Дарслик ва китоб билан ишлаш икки йўналишда олиб борилади.




Кургазмалилик методи



Намойиш этиш, экскурсия ўқувчиларининг ўқув материалларини аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан қилинаётган илмий-назарий билимларни ўқувчилар пухта ўзлаштиришлари учун уларнинг сезги органлари эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар этиш йўли билан олиб борилади.


Намойиш этиш методи мавзунинг хусусиятига кўра икки йўналишда олиб борилади.



Мавзунинг мазмунига боғлиқ бўлган нарсa-ҳодиса ва воқеаларни ҳамма вақт синф шароитида намойиш қилиш мумкин бўлавермайди. Шу боис ўтилайётган мавзунинг хусусиятига кўра экскурсия методидан ҳам фойдаланилади. Экскурсия методи ўрганилайётган воқеа ва ҳодисаларни табиий шароитда ёки махсус кузатилади.

Намойиш этиш, тасвирлаш ва экскурсия методи билан иш кўришда ўқувчиларни турли мавзуларда тасвирий материаллар билан ишлашга жалб этиш муҳим дидактик аҳамиятга эгадир.

Амалий машғулотлар методи қуйидагилардан иборатдир.



Машқ қилдириш методи. асосан ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкамлаш ва уни амалда қўллай олиш, тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлишни таъминлашга хизмат қилади.

Одатда, машқ қилдириш деганда илмий билим ва маълум бир иш – ҳаракатни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали равишда ташкил этилган тақрорлаш тушунилади.

Машқ қилдириш методи ўқув предметларининг мазмуни ва тавсифига қараб турлича олиб борилиши мумкин. Ўқувчиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда машқ қилдириш қуйидаги талабларга амал қилиши лозим:

1. Топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ ва равшан тушунтирилган бўлиши топшириқнинг мазмуни ва уни ишлаш йўллари пухта уқтирилган бўлиши лозим.

2. Ўқувчилар диққати тақдим этилаётган машққа жалб қилиниши, жамоанинг ва ҳар бир ўқувчининг интилиш ва қизиқишлари ҳисобга олиниши лозим.

3. Топшириқ қатъий тизим ва изчилликка эга бўлиши лозим.

4. Маълум қонда юзасидан ўзлаштирилган кўникма ва малакалар шу қондага оид бошқа мазмундаги топшириқларни бажаришда ҳам осонликка билан қўлланилиши лозим.


Топшириқ ўқувчиларнинг фаол фаолиятини таъминлайдиган бўлиши ва машқни, албатта, белгиланган вақт ичида бажариш талаб қилиниши керак.

Машқ қилдириш методида ўқувчиларнинг ёзма ижодий машқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, маълум мавзуларда маъруза тайёрлаш, график ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лаборатория методи таълим жараёнида ўқувчиларга атрофни ўраб олган объектив борлиқдаги нарса ва ходисалар, уларнинг шакли, ҳажми, таркиби, тузилиши, ўзгариши ва ривожланиши қонуниятлари ҳақида янги-янги билимлар бериш, ўзлаштираётган илмий билимларни мустаҳкамлаш

ҳамда тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Лаборатория методидан, асосан махсус фанларни ўқитишда, ҳар бир фанни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади. Лаборатория машғулоти хусусиятига кўра уч хил бўлади.



Лаборатория методи асосида ўтиладиган машғулот хусусиятига қараб қуйидаги шаклда ташкил қилинади:

1. Ўқувчилар билан оммавий машғулотлар.
2. Ўқувчилар билан гуруҳли машғулотлар.
3. Ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда машғулотлар.

Амалий машғулотлар методи ўқувчиларга умумий техника-ижодий таълим бериш ва меҳнат малакаси билан қуроллантиришда асосий метод бўлиб хизмат қилади.

Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Восита муайян ўқитиш методи ёки методик усуллارини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалларидир. Таълим воситалари асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари, ахборот ва техник воситалар (қурилмалар), кўрсатмали қуроллар, рамзий белгилар, дарслик ўқув қўлланмалари, радио, телевидение ва компьютер на ҳоказолардан иборат бўлади.

Савол топшириқлар:

1. Таълимий методларнинг педагогик моҳияти деганда нимани тушунаси?
2. Ўқитиш методларига қўйиладиган талаблар.
3. Ўқитиш методларининг турлари.
4. Оғзаки методлар ва уларнинг турлари.
5. Курсатмалилик метод ива уларнинг турлари.
6. Амалий методлар ва уларнинг турлари.
7. Ўқитиш (таълимий) методларга берилган тавсифлар.
8. Таълимий методларнинг аҳамияти.

Адабиётлар:

1. Мавлонова Р., Тўраева О., К.Ҳоликбердиев. Педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Подласый И.П. Педагогика 100 вопросов, 100 ответов.- М.: Владос-Пресс, 2001.
3. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Х., Ниёзов Г. Педагогика (ўқув қўлланма). Тошкент: Фан, 2006.

IV. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

I. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган кизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиш бўлган, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юрглари ва факультетларида малакали касб эгалларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари-интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновация (инглизча *innovation*) – янгилик киритиш, янгиликдир.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар – бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргалликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга куйидагилар киради:


- ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустикал фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган кизикишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- ўқувчи-талабанинг билимга бўлган кизикишини мустикал равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

- педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи – талабалар мустикал фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари ҳудоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, анна шу, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчи-талабанинг эҳтиёждан келиб чикканҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига каратилган педагогик жараёндир.



Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, мақсадни амалга ошириш ва қафолатланган натижага эришиш, ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар кўйган мақсад, танлаган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг мақсадли натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар икала томоннинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчи-талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун балким, компьютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчи-талабага боғлиқ.

Шу билан бир қаторда ўқиш жараянини олдиндан лойihalаштириш зарур, бу дараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ТСОни, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишнинг ҳисобга олиши керак.

шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа килиб айтганда, ўқувчи-талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойихалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи-талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар, Усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг-баранг, кизикарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойихалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда аке этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик картани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай картада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Технологик карта

Мавзу:	
Мақсад, вазифалар	
Ўқув жараёнининг мазмуни	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Метод: Оғзаки баён қилиш, суҳбат-мунозара.</p> <p>Форма: Амалий машғулот, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш.</p> <p>Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, ариза,</p> <p>маълумотнома, хабарнома бланкалари.</p> <p>Усул: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида.</p> <p>Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.</p> <p>Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балли система асосида.</p>

Кутиладиган натижалар	<p>Ўқитувчи:</p> <p>- Мавзунини қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишга эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир вақтнинг ўпчилиги талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади.</p> <p>Ўқувчи-талаба:</p> <p>Янги билимларни эгаллайди. Яққа ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.</p>
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	<p>Ўқитувчи:</p> <p>Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзунини ҳаётини воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратини ошириш.</p> <p>Ўқувчи-талаба:</p> <p>Матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини раво баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб бир ечимга қилиш малакасини ҳосил қилиш.</p>

Ўқитувчи гоммонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоту буйича тузилган юқоридаги каби технологик карта унга фани, предметни яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндошишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили буйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, максидидан тортиб, эришиладиган натижасига кўра олишига ёрдам беради. Айниқса, технологик картани ўқувчи-талабанинг имконияти, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга олиб келади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

2. Таълимнинг интерфаол методлари. Интер англиз тилидаги «интер» олд кўшимчасидан иборат бўлиб, у том маънода ўзаро таъсир, йўналганлик маъносини англатади. Бу ерда интер сўзи кенг доирада, халқаро миқёсдаги таъсир, ҳаракат, йўналганлик мазмунига эга. Интерфаол атамасига келсак, у «interactive» яъни кенг халқаро миқёсдаги ҳаракат фаоллигини билдиради. Лотинча интер сўзининг маъноси – ички потенциал имконий қувват дегани.

Маълумки, ҳар бир инсон ўз ички имконий қувватига ва ўзгаларда қайтарилмас фазилатга эга.

Интерактив усул тарбия нуқтаи назаридан, ҳар бир кишини руҳий, илоҳий тавсифини кўзда тутган ҳода, халқаро миқёсдаги таълим – тарбия янгиликларни ҳамда маънавий манбаларимиздаги ақс эгитрилган интеллектуал салоҳиягимиз кўникмалари асосланиб комил фарзанд тарбиялаш демакдир.

Ғарбда педагогиканинг интерфаол методлари билан шуғулланадиган қисмини интерактив педагогика деб ҳам юритилади.

Интерактив педагогика ёшларни талабаларни фаолликлари хилма-хиллигини ҳамкорлиги, ҳайрихоҳлиги асосида уларни янги фаолликка, бунёдкорликка, яратувчанликка ундовчи педагогика бўлиб, талабаларга бундай сифатлар улар эркин фикрлаш асосларини эгаллаганларидан кейин шакллана бошлайди, ривожланади.

Интерактив педагогика янги таълим асосида таълим – тарбиянинг ҳамма шаклларида жорий этилмоқда. Масалан, маърузаларда, интерактив педагогиканинг мунозара, муомалалар муҳокамаси, ақлий хужум, бахслар каби усулларида кенг фойдаланилади.

Амалий машғулотларда эса семинар, оғзаки, ёзма колоквиумлар, рефератлар муҳокамаси, фаол эксперимент, амалий ўинлар методларидан кенг фойдаланилмоқда. Аммо шунга қарамай, Ғарб давлатларидан бизга интерактив педагогиканинг бир қанча қарорлар шажараси. Ажурли арра, Снежный ком, тажрибалар, тадбирлар ҳамкорлиги каби методлари каби методлари кириб келди.

Инсон имкониятларининг яна бир мўъжизавий томони шундан иборатки, ҳар бир киши нодир ва бетакрор бўлиши билан бирга у ижтимоийликка мухтож қилиб яратилган. Яъни ҳатто ҳар бир қобилиятли киши ўз ақлий – амалий имкониятларидан оптимал фойдаланганда ҳам интеллектуал имкониятларини фақат – 4-5% ини ишга сола олади. Шунинг учун кишиларнинг қизиқиши, қобилиятлар йўналиши турлича бўлиб улар жамоалашганда ақлий имкониятларнинг фойдали иш коэффициентлари кўпаяди.

Интерактив педагогика талабаларда ижобий ҳамкорликнинг ҳар бир киши учун қандай қатта манфаат қасб этишини амалда кўрсатади. Шунда талабалар фикрлари ҳилма – ҳиллигидан чўчимайдилар, балки ундан ўзаро манфаатдор бўладилар ва атрофдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларга онгли муносабатда бўладилар. Интерактив педагогика ташкилий шакли, методлари, талабаларнинг ўзаро муносабатлари, талаба ва ўқитувчи муносабатлари билан патерналистик (насиҳат ва ўқитиришга асосланган) педагогикадан тубдан фарқ қилади.

Масалан, интерактив педагогиканинг «мунозара» шаклидаги машғулоти икки босқичли қилиб ўтказилади. Агар гуруҳдаги 20 та талаба бўлса, улар 4 тадан ёки 5 кишидан иборат кичик гуруҳлар шаклида ўтказиладилар. Яъни ҳар бир столга давра қилиб ўтирилади. Шундай қилиб, гуруҳда 4 ёки 5 та давра ҳосил бўлади. Бугунги машғулотда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо 4 ёки

5 та масалага бўлинади. Ҳаётда гуруҳлар ҳал қилиш лозим бўлган масалаларни алоҳида қоғозларга ёзиб келади.

Ҳар бир гуруҳга турли саволлар тарқатилади. Агар муаммо янги бўлса, ҳар бир карточка – қоғозда саволларга қисқача ёрдамчи изоҳлар берилиши керак. Ёки муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган материаллар билан танишиш талабаларга олдиндан топширилади. Ҳар бир гуруҳга ўзлари олган масалаларни кичик гуруҳларда ўзаро ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиб мунозарани ташкил қилиш ва тегишли жавоб ҳозирлаш учун 5-10 минут берилади (қийинлик даражасига қараб). Кейин мунозаранинг иккинчи бискичи бошланади. Унда ҳар бир кичик гуруҳ вакили ўзлари ҳал қилган масалани бугун гуруҳга, жамоага гапириб, исботлай бериши керак. Бу вакилнинг жавоби бошқа гуруҳ аъзолари томонидан умумий мунозарага олинади ва умумий якуний ҳулоса чиқарилади. Бунда профессор-ўқитувчи мунозарага ижодий ҳамкор сифатида, энг зарур пайтларда иштирок қилиш керак.

Фикрларни тўғри, нотўғри деб тасдиқлаш керак. Чунки у эркин фикрлашга тўсиқ бўлади. Албатта, профессор-ўқитувчи ҳулосавий фикрларда агар бўлса, ёрдамга келиши керак. Худди шундай бешта гуруҳларнинг жавоблари мунозарада ҳал қилинган. (5-10 минутдан) умумий қўйилган муаммо муҳокамасига ҳамма катнашади. Якуний ҳулосалар доскага ёзилади. Талабаларга тегишли рейтинг баллари мунозара давомида ва мунозара якунида қўйила боради.

Интерактив педагогика талабаларни амалий ва назарий фаолликка янги ғоялар излашга, ўз фикрлари, ғояларини ҳимоя қилишга, ўз ғоя фикрларини исботлашга, бошқаларни фикрларига ҳурмат ва танқидий қарашга, мулоқот, мунозара олиб бориш сифатларини ўстиришга, мустакил ишланишга, амалий ижодкорликка, амалий сифатларга эга бўлишга ўргатади.

Интерактив педагогика профессор-ўқитувчиларга ўзлари ўқитаётган фанларини замонавий таълимий, ижодий-амалий ривожлантирувчи ва тарбиявий функцияларини аниқ белгилаб олиб миллий таълим моделидаги

узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида интерактив педагогикадан ўринли фойдаланиб замон талаби даражасидаги етук мутахассисларни тайёрлашдаги ўзларининг шарафли вазифаларини бажаришлари керак.

Профессор-ўқитувчилар интерактив педагогика ёрдамида интернетдан, масофадан туриб ўқитиш, ахборот технологиялари асосида илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқариш, уларни ҳаётга жорий қила билишлари керак.

3. Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган технологияларни турлари. Ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга педагога ва ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида қўлланма берамиз. Ушбу методик қўлланмада келтирилган замонавий методлар. Ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглар ўқувчи-талабаларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардор, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ўқитиш жараёнида турли технологиялардан фойдаланиш мумкин. Буларга қуйидагилар қаради.

«Ақлий ҳужум» методи – ўқитувчи ўқувчи эгаллаши керак бўлган мавзунини оддийдан – мураккабга томон босқичма босқич лойиҳалаб беради.

«Тармоқлар» методи – ўқувчи-талабани мантикий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустикал равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

«3x4» методи – ўқувчи-талабаларни эркин фикрлаши, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

«Блиц-ўйин» методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида қўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

«Интервью» техникаси – ўқувчи-талаба савол бериш, эшита олиш, тўғри жавб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

«Иерархия» техникаси – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали уларни мантикий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

«Бумеранг» техникаси – ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида саклаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

«Талаба» тренинги – ўқувчи-талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўллариини ўргатишга қаратилган.

«Ўқитувчи шахси» тренинги – ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талабалар» мавзусидаги мустикал фикрлашга, ижодий иншо ёзиш орқали фикрларни баён қилишга қаратилган.

«Мулоқот» техникаси ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

«Бошқарув» техникаси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчи-талабаларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

«Тармоқлар» методи (Кластер)

Фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрнинг эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу метод бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларинини чизма шаклида ифодалашни а ундайди.

«Бумеранг» технологияси

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари киради ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллини тўплашига имконият беради.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантикани шакллантиришга имконият яратади; хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш қўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалик;

- хушфёъллик;
- кўникувчанлик;
- ўзларга фикрига хурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик сифатларини шакллантириш;
- ишта ижодий ёндашиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини холис баҳолаш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Очиқ саволлар – бу саволлар муомала, сўзлашувни давом эттиришга имкон беради. Уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпик саволлар – бу саволлар олдиндан «ха»ёки «йўқ» типигаги тўғри, очиқ, жавобларни беришни кўзда тутлади.

Кўндаланг сўроқ – бир-бирига гуруҳлаб берилувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентлар позициясини аниқлаш ва муайян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кўндаланг сўроқ пайтида мунозарага киришиш мумкин эмас. Бу вақтда фақат саволлар берилади, мунозарага киришилмайди.

«Скарабей» технологияси

«Скарабей» интерактив технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратлади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва гасавурларни аниқлаш имконини беради. У, айни пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратлади.

«Скарабей» технологияси ҳар томонлама бўлиб, ундан ўқув материалининг турли босқичларини ўрганишда фойдаланилади:

- бошида – ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида («Ақлий хужум»);

- мавзуни ўрганиш жараёнида – унинг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш; улар орасидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлаш; мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатиш:

- охирида – олинган билимларни мустаҳкамлаш ва яқунлаш мақсадида.

«Скарабей» технологияси ўқувчилар томонидан осон қабул қилинади, чунки у фаолиятнинг фикрлаш, билиш хусусиятлари инobatга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. У ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутди, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

Мазкур технологиянинг айрим афзалликлари сифатида идрок қилишни энгиллаштирувчи чизма шакллардан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

«Скарабей» алоҳида ишларда, кичик гуруҳларда ҳамда ўқув жамоаларида қўлланиши мумкин.

Таълимдан ташқари мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- фаоллик;
- ҳушмуомалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- имкониятларини кўрсатиш эҳтиёжи;
- ўз қобилияти ва имкониятларини текширишга ёрдам беради;
- «мен»лигини ифодалашга имкон беради;
- ўз фаолияти натижаларига масъуллик ва кизиқиш уйғотади.

Асосий тушунчалари қуйидагилар:

- Ассоциация – мантикий боғлиқлик бўлиб, сезгилар, тасаввурлар, идрок қилиш, ғоялар ва бошқалар орасида ҳосил қилинувчи мантикий алоқадир.

- Ранжирлаш (муайян тартиб) – аҳамияти, муҳимлиги, мазмуни даражасига қараб тартиблаш.

«Веер» технологияси

Бу технология мураккаб, кўнтармокли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоклари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология ганкидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

«Веер» технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қанташувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

«Веер» технологияси мавзунинг ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

- мавзунинг ўрганиш жараёнида: унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;

- яқунлаш босқичида: олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик – бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат – ижобий сифат.

Нуқсон – номукамаллик, қондаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса – муайян бир фикрга, мантиқий қондалар бўйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари «Елпиғич» технологияси тарбиявий характердаги катор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;
- муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;
- муросали қарорларни топа олиш маҳорати;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- ҳушмуомалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- фаоллик;
- муаммога диққатини жамлай олиш маҳорати.

Ақлий ҳужум

Ақлий ҳужум гуруҳлараро ишларда қўлланиладиган, қўллаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган методдир. Бу ҳақиқатан ҳам талабаларнинг ўқув жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи методдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўқув фаоллиги 5-10 дақиқа оралиғидаги вақт чегарасида енгиллаштирилади.

Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланиши мумкин: масалан, қандайдир мавзунини муҳокама қилиш учун, янги савол қўйиш ёки исалган қандайдир муаммонини ҳал этиш учун.

Асосий қондалари қуйидагилар:

1. Айтилаётган барча ғоялар бир-бирига нисбатан муҳимликда тенгдир.
2. Киритилаётган ғояларга нисбатан танқиднинг мавжуд эмас.
3. Ғояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик.
4. Сўзловчига нисбатан баҳоловчи компонент мавжуд эмас.

Методни ишлатишга киришмоқ...

1-метод – гуруҳнинг барча шитирокчиларига бир мавзу ва бир савол қўйилади.

1. Ҳаққондорликни ўқув жараёнида ташаббусни ўз қўлига шундай тарзда олади: у аудиториядаги барча талабаларга савол беради ва қандайдир махсус мавзуга дахлдор барча мумкин бўлган фикрларни айтишни сўрайди.

2. Барча ҳатто, ахлоқона ғояларни ҳам айтишга руҳсат берилади. Айтилаётган фикрлар ичида биргина асосий мавзу сакланиб қолиши шарт.

3. Бирортасининг ҳам фикри шарҳланмайди, танқид қилинмайди, баҳоланмайди.

4. Асосий фикрларни ўқитувчи флип-карта, доскага ёзиб олади ёки экранда кўрсатади.

5. Ақлий ҳужум тугагач, барча ғоялар тўпланиши, гуруҳларга ажратилиши ёки категорияларга бўлиниши мумкин.

2-метод – барча мавзу ва саволлар умумий йўналиши сақланган ҳолда катта гуруҳ таркибидаги гуруҳчаларга тақдим этилади.

1. Ҳаққондорликни умумий мавзу бўйича бир неча, балки 4-6та савол тайёрлаши мумкин.

2. Катта гуруҳ кичик гуруҳчаларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳчага ақлий ҳужум ўтказиш учун алоҳида савол берилади.

3. Ҳар бир гуруҳча ақлий ҳужум маҳсулотини ёзиб олиш учун биттадан киши ажратади, кейинчалик, жараён тугаши билан уни гуруҳнинг барча аъзоларига тақдим этади.

4. Ҳоялар ҳар бир гуруҳча томонидан катта саҳифага маркердан фойдаланиб ёзиб олинishi мумкин. Шундай саҳифа – плакатнинг юкорисига тайёрланган саволлар ёзиб қўйилади. Саҳифа – плакат жараённинг охирида ҳар бир хохловчи нима ёзилган ва жамланганлигини кўриши учун осиб қўйилади.

5. Ақлий ҳужумнинг бу методи вақтнинг қисқача даврида бир саволнинг

бир неча жиҳати ишлаб чиқилиши зарур бўлган жойда, айниқса, фойдалидир.

6. Ҳуқуқчи раҳбар-ёрдамчи сифатида ҳаракат қилади ва бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ақлий ҳужум амалга оширилади пайтда ўтиб туради.

Муҳим ҳолатлар ақлий ҳужум пайтида ишлаб чиқилган бўлиши ва мунозараларда муҳокама этилган бўлиши керак.

ФСМУ технологияси

Тренинг ҳақида тушунча

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, бахс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув – семинари яқинида (тингловчиларнинг ўқув-семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқувчи-талабаларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Мақсад. Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

ФСМУ технологияси

(Ф) – фикрингизни баён этинг.

(С) – фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М) – кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг.

(У) – фикрингизни умумлаштиринг.

Қарорлар шажараси. Муаммо қўйилади.

Талабалар, ўқувчилар 3, 4, 5 гуруҳга бўлинадилар. Топшириқ топширилади, гуруҳлар қаторлари муҳокама қилиниб, якуний хулоса чиқарилади.

Муз ёриш. Талабалар, ўқувчилар орасидаги нотаниш иш, ноқулай ишни йўқотиш мақсадида гуруҳ, синф кичик гуруҳларга бўлиниб ўзлари ҳақида гапириб бериш таклиф қилинади. Шу билан яхши мулоқот ўзаро ҳакамликка шароит яратилади. Ёки бирор номаълум нарса ҳақида ўз билганлари билан ҳам – қорлашиб тўғри хулоса қилинади.

Ўқитишнинг самарадорлигини оширишда ўқув жараёнида «Блиц ўйин», «Чорраха», «Муомала технологияси», турли иш ўйинлари технологияси кабилардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, «Агар мен ... бўлсам». «Мен шундай қилган бўлардим» кабилар.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган ушбу замонавий методлар, тренингларда қўлланилган технологиялар ўқувчи-талабаларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга ёрдам беради.

Савол ва топшириқлар:

1. Инновацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти.
2. «Инновация» сўзининг маъносини очиб беринг?
3. Интерфаол атамасининг маъноси нимадан иборат?
4. Ўқиғиш жараёнида қандай интерфаол методлардан фойдаланилади?
5. Педагогик технологияларни турларини мазмунини изоҳлаб беринг?
6. «Ақлий ҳужум», «Кластер», «Бумеранг» методлари ўртасида қандай фарқлар мавжуд.

Адабиётлар:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство.- Ташкент, 2005.
2. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (методик қўлланма).- Тошкент, 2004.
3. Фаберман Б.И. Передовые педагогические технологии.- Ташкент, 2000.
4. Юрий В.В. Педагогическая технология. – Ярославль, 1997.

У БОБ. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ҶЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

1. Таълимнинг замонавий ташкилий шакллари. Илмий билимларни, айниқса истиклол мафқурасини ўқувчи, талабалар қалби ва онгига сингдириш жараёни таълим-тарбиянинг замон талабларига жавоб берувчи турли шакллари орқали амалга оширилади. Таълим шакллари машғулотларни ўтказиш вақтига қараб, ҳамда ўқувчи талабанинг таркиби ва улар фаолиятининг характер – моҳиятига қараб белгиланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда, умумтаълим мактабларида таълимни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари яқка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан қўлчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Таълим тизими мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гуруҳ – гуруҳ бўлиб, гуҗлаб ўқитишни тақозо қилган ҳамда таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарган.

Шу даврга келиб ўқитишнинг маҳсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлайди. Бунинг натижасида синф – дарс тизими пайдо бўла бошлайди. Халқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадрасаларда ёшларга билим бериш билан шуғулланганлиги «Авесто» ва бошқа тарихий манбаларда маълум. Аммо қадим даврларда таълимни қатъий чегараланган

вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма – босқич бериш масалаларига аниқлик киритилмаган эди.


Таълимнинг ташкилиф масалалари Ал-Форобийнинг «Фан ва ақл заковат» асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида, таълим ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) хизматлари катта, уни синф-дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А.Коменский «Буюк дидактика» асарида, ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вақтда бошлаш, машғулотлар орасида танаф-фуслар берилишини, гуруҳлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. Дарс давомида ўқувчилар диққатини тўплаш, материални батафсил тушунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши машғулот (таълим жараёни) мазмуни, таълим шакли методлари ҳамда воситалари ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чуқур билим ва дунёқарашни ҳосил қилиш ишига хизмат қилади.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларининг ташқи ифодасидир.

Қадим замонларданок жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишини ташкил қилишнинг ижтимоий тараккиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган шаклларини топишга урунганлар. Ҳозирги вақтда республика таълим муассасаларида ўқитишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилмоқда.



Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади. Синф-дарс тизими куйидаги мазмунга эгадир:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади;

2. Дарс жараёни асосан 45 дақиқа жавом этиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади;

3. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигида асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳи ва якка тартибда олиб борилади;

4. Дарс машғулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади ҳамда умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва наватдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабат жараёни шахсий алоқага асосланади. Ўқитувчи дарсда барча ўқувчилар фаолиятини назорат

қилади, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари ва назоратини қўллаб-қувватлаб туради. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаоллиги ўқувчилар томонидан фан асосларининг ўзлаштирилиши уларда зарур кўникма ва малакаларни ҳосил бўлиши учун замин яратади.

Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар қўйилмоқда:

1. Дарснинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги;

2. Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги;

3. Ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисmlари вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларни танлаш;

4. Машғулотларнинг турли шакллари: жамоа, гуруҳли ва якка тартибдаги шаклларини мақбул равишда қўшиб олиб бориш;

5. Ўқитувчининг раҳбарлик вазифаси билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш;

6. Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш;

7. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;

8. Дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш;

9. Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш;

10. Дарсда ўқувчилар эркинлигини таъминлашга эришиш.

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур ўқув материали мазмунини баён қилиш, дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ ташкил этилган машғулот тури дарс тури деб юритилади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчиларни билим, кўникма ва малака билан қуроллантиришда

машғулотнинг асосий қисмини ишғол қилган таълим шакли у ёки бу дарс турини ташкил этади.

2. Дарс турлари ва уларнинг тузилиши. Дарсда билимларнинг ўзлаштирилиши, малака ва кўникмаларнинг ҳосил қилиниши мураккаб, қарама-қарши жараёндир. Ўқув материални ўрганишнинг турли вазибалари, йўллари, усул ва формалари вужудга келади, бунинг натижасида дарснинг жуда кўп турлари, унинг ҳар хил вариантлари пайдо бўлади.

Айни вақтда таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарси.
4. Такрорий-умулаштирувчи дарс.
5. Аралаш дарс.

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиш дарсидир.

Бу дарснинг тузилиши қуйидагича:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Янги билимларни баён қилиш.
3. Янги билимларни мустаҳкамлаш.
4. Янги билимлар устида машқ ўтказини.
5. Янги билимларга боғлиқ уй машғулотлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Дарс турларининг ўзгариши билан дарснинг тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлади. Масалан, дарс турлари уйғунлашган дарсларида дарснинг ҳамма элементлари мавжуддир:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Уй топшириқларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Янги мавзунини баён қилиш.
4. Янги мавхунини мустаҳкамлаш.


5. Уй топшириклари бериш.

6. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади.

Ўқитувчи дастурнинг маълум бир қисми, йирик мавзулар ўтиб бўлингандан сўнг бундай дарслар уюштирилди.

Бу дарс билимларни оралик назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади.



3. Ўрга махсус ва олий таълим тизимидаги ўзига хос таълим шакллари. Узлуксиз таълимнинг ҳамма bosqichларида таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуд.

Жумладан: икки bosqichли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд. Буларга: маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларининг очик маърузаларида қатнашиш, маъруза матнини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, ўқув курслари бўйича дастурлар тайёрлаш ишлари қабилар олий таълимнинг кўп қиррали йўналишлари ва шакллари дир. Олий таълим тизимида **маъруза** ўқув жараёнининг ҳам усули, ҳам шакли ҳисобланиб, у талабаларга фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат қилади. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради ҳамда уларни эркин фикрлашга, фан устида

ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Маърузани шундай ўқиш лозимки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли қарашлар, илмий эътиқод, ғоя ва миллий мафкура асослари шакллансин. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир маърузанинг мазмунини фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий ҳамкорликка таяниб ташкил қилингандагина самарали натижа беради. Бунинг учун маъруза жараёнида ҳам таълимий, ҳам тарбиявий вазифаларни самарали амалга ошириш йўлларида бири – ўқитувчи билан талабалар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олинишдан иборат.

Семинар машғулотларининг вазифаси – дарсларда баён қилинган назарий фикрларни конкретлаштириш, чуқурлаштиришдан, ўқувчилар билимини текшириш ва мустахкамлашдан, адабиётни ўрганиш кўникмасини ҳосил қилиш, уни конспект қилиш, суҳбатлар, докладлар, ота-оналар учун консултацияларнинг план ва конспектларини тузишдан, курснинг конкрет темасини оғзаки баён қилиш қобилиятига эга бўлишдан иборатдир.

Семинар машғулотлари учун курснинг энг муҳим ва мураккаб масалалари шунингдек, адабиётларда етарли даражада тўлиқ ёритилган ва ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда ўргана олишлари мумкин бўлган масалалар танлаб олинади.

Семинарнинг ҳар бир темаси бўйича ўқувчиларга адабиётлар рўйхатини бериш, топшириқнинг характерини белгилаш, уни бажариш плани ва ҳисобот формасини кўрсатиш керак. Адабиётларни ўрганаётганда ўқувчилар конспект ёки ота-оналар учун консултацияларнинг текстларини тузадилар.

Семинар машғулотларини қуйидагича ташкил этиш мумкин: аввало ўқитувчи семинарнинг вазифаси ва уни ўтказиш тартибини белгилайди. Сўнгра нутқ сўзлаш учун ўқувчиларга сўз беради. Шундан кейин иштирок этувчилар нутқ сўзлаганларга саволлар беради, улар жавоб қайтаришади. Кейин бошқа ўқувчилар нутқ мазмунига харақтеристика бериб, уни тўлдирдилар (ютуқ ва камчиликлар кўрсатилади). Ўқитувчи семинарни

яқунлар экан, асосий нутқни баҳолайди. унинг мазмуни, ифода формаси кўргазмалар куроллар (жадваллар, расмлар, фотосуратлар ва бошқалар) дан фойдаланиш даражасига характеристика беради, шунингдек, бошқа ўқувчиларнинг нутқлари тўғрисида ҳам фикр мулоҳазасини айтади. Машғулот сўнггида қўйилган вазифа қандай бажарилганлигини айтиб ўтиш ва навбатдаги семинарга тайёрланиш учун тавсиялар бериш муҳим.

Маъруза мавзу бўйича қилинадиган суҳбат, семинар бўлиб, бу ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиладиган амалий машғулот ўқувчиларда мустақил фикрлаш, мустақил фаолият кўрсатиш, дарслик билан мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш қобилиятининг ривож топишига ёрдам берадиган даражада бўлиши лозим.

Семинарларни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзаси дан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлаш олишлари ҳамда шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ҳамда уни синф ўқувчилари билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йиғадилар, турли кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлари юзасидан ташкил этилган муҳокамани яқунлайди. Зарур қўшимча мулоҳазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳоқамада қатнашган ўқувчилар фаолияти баҳолаиб борилади.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш,

дарсни фаоллаштириш ҳамда ўқувчилар аклий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тугади.

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотлар ўқувчи-талабаларни бирор-бир мавзу бўйича билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун ўтказилади.

Амалий машғулотлар – педагогикадаги мустақил таълим шаклидир. Амалий машғулотларни ўзига хос хусусиятлари шундаки қўйиладиган вазифа, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этишни биргаликда амалга оширишни кўзда тутади.

Амалий машғулотларда тор доирадаги амалий характерга эга бўлган масалалар ҳал этилади.

Ўқитувчи амалий машғулотларда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш, уларга топшириқларни бажаришга ёрдам беришдан иборат бўлади.

Амалий машғулотларда ўқувчиларни ташкил этишнинг фронтал, гуруҳли, яққа қолда, жуфтли ишлаш шаклларида фойдаланилади. Бу эса ўқитувчига алоҳида ўқувчиларда турли малака ва кўникмаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Лаборатория машғулотлари

Лаборатория машғулотлари – бу ўқитувчи раҳбарлигида ва белгиланган режа асосида янги билим бўйича тажриба ўтказиш жараёнида амалга ошириладиган аниқ амалий вазифалардир.

Янги билимни эгаллаш бўйича ўтказиладиган лаборатория машғулоти қўйидаги методик приёмлар орқали амалга оширилади:

- машғулот мавзуини ва амалга ошириладиган вазифаларни аниқлаш;
- машғулот тажриба-босқичларини аниқлаб олиш;
- машғулотнинг боришини, ишнинг техник хавфсизликка риоя қилинган ҳолда бажарилишини кузатиб бориш;
- машғулотни якунлаш, асосий хулосани баён этиш.

Лабораторияда ўтказиладиган машғулот-тажриба ўқувчиларнинг ҳозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини, тажрибада

қўлланадиган асбобларга онгли муносабатда бўлиш кўникмасини, техник билимни эгаллаб олишларига замин яратади.

Бу машғулотда ўқувчилар ўқитувчининг топшириги бўйича асбоблардан фойдаланиб, бирор ҳодисани режа асосида тадқиқ этадилар. Амалий машғулотларда мавзунинг йирик қисмлари ўрганилади. Бу – умумлаштирувчи тарзда бўлади. Мазкур иш фақат синфда эмас, балки синфдан ташқарида ҳам амалга оширилади.

Лаборатория машғулоти қуйидаги приёмлардан ташкил тонади:

- машғулот мақсадини белгилаш;
- бажариладиган ишни, унга раҳбарлик қилиш тартибини белгилаб олиш;
- иш тугагач, уни яқунлаш.

Лаборатория машғулоти жараёнида ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланишлари, ўқитувчи билан маслаҳатлашишлари мумкин.

Бу метод ўқувчиларнинг билим, били шва кўникмаларини текшириш, яъни таълимий жараён таркиби ва принциплари билан боғлиқ ҳолда қўлланади. Шу асосда билимни текшириш ва баҳолашнинг турлари белгиланади. Масалан:

- кундалик ўқув машғулоти давомида билимни текшириш ва баҳолаш;
- ҳар бир чорак охирида билимни текшириш ва баҳолаш;
- йил охирида ўқувчининг йил давомида эгаллаган билимини текшириш ва баҳолаш.

Ҳар бир ўқитиш шаклларидадан фойдаланиш ўқитувчидан юксак педагогик билим ва маҳоратни талаб этади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Нима учун синф-дарс тизими таълим жараёнининг асосий шакли ҳисобланади?
2. Замонавий дарс олдига қўйиладиган асосий талабларни айтинг.
3. Дарснинг қандай шакллари мавжуда?
4. Олий таълимда қўлланиладиган ўқитиш шакллари.
5. Маъруза ва унинг турлари.
6. Семинар машғулоти мазмуни.
7. Амалий ва лаборатория машғулоти ўртасидаги фарқлар.

Адабиётлар

1. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р. Педагогика (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2005.
2. Хасанбоев Ж., Сарибоев Х., Ниёзов Г. Педагогика. – Тошкент, 2006.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
4. Педагогика (қўлланма)/ Мунавваров А. таҳрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
5. Ёдгоров Р. Маърузанинг таълимий ва тарбиявий имкониятлари// Таълим ва тарбия журнали. – 1997. - № 1-2.

VI БОБ. МАЪРУЗА ҲҚИШ ВА УНИ ҲТҚАЗИШГА ҚҲЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Маъруза ва маърузанинг аҳамияти. Маъруза. «Маъруза» (лекция) сўзи лотинча бўлиб, русча таржимада «ўқитиш» дейилган.

Маъруза – бу, ўқитувчи томонидан билимни баён этиш. Маърузада кенг ҳажмли билим монологик йўл билан баён қилинади. Қондага кўра, маъруза методи юқори синфларда қўлланади. Маърузанинг моҳияти шундаки, у ўқувчиларнинг билимни тўлиқ ва тугалланган, мантиқан, ўзаро боғлиқ ҳолда ўзлаштиришига ёрдам беради.

Ҳозирги давр педагогик тажрибада ҳам, маъруза баҳс методи қўлланилмоқда. Бу метод ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, ўз мулоҳазаларини исботлаш, асослашни билишларида муҳим омил бўлаяпти. Зеро, пухта тайёргарлик билан уюштирилган баҳс ўқувчиларнинг таълим ва тарбияда муаммони чуқур тушуниш йўлларини, унга нисбатан бўлган ўз фикр-мулоҳазаларини ҳимоя қилишни, бошқалар фикри билан ҳисоблашни одобини эгаллашларида алоҳида аҳамиятга эга.

Маъруза методидида қўзланган асосий мақсад – ўқувчиларда билимни мустақил эгаллаш қобилиятини ҳосил қилишдир.

Маъруза янги билимни ўтишида унинг қисмларини умумлаштиришда, мураккаб қонун-қондаларни яқунлашда, муаммоли масалаларни ўрганишда, ўқув фанлари ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишда қўлланилади.

Маърузанинг мазмунли, самарали бўлиши учун:

- аниқ, ўйлаб тузилган режани ўқувчиларга таништириш;
- режанинг ҳар бир қисми бўйича берилган маълумотни яқунлаш;
- баён ўқувчиларга тушунарли ва кўргазмали, ёрқин бўлиши;
- баён ўқувчиларда муҳим ўринларни билиб олишга кизиқиш уйғотадиган бўлиши керак.

Маърузани шундай ўқиш лозимки, бунинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажакига нисбатан турли қарашлар, илмий

этикодлар вужудга келиши ва шаклланиши даркор шундай экан, ўқитувчи маъруза ўқиш жараёнида тингловчиларнинг таркибини ҳисобга олган ҳолда, унинг илмий томонига алоҳида эътибор бериши ва талабаларнинг қизиқиши ва интилишларига кулоқ солиши лозим.

Ўқилаётган маърузаларнинг тарбиявий таъсирининг яънада юксак бўлиши ўқитувчининг ёшлар олдидаги обрўсига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажрибаси, маҳоратига ва талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатларига боғлиқдир.

Бундан ташқари дарс ва маърузанинг самарали натижаси ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги руҳий ҳолатларини қай даражада ҳисобга олинишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, таълимни самарали ташкил этиш, унинг дарс, маъруза ва бошқа шаклларида ўқитиш жараёнида ўринли фойдаланишлари учун шубҳасиз, ўқитувчининг педагогик маҳорати, педагогик маданияти, ўз предметини пухта билишлиги ва ўқувчи талабалар билан умумий тил топа олишлиги ғоят катта аҳамиятга эгадир.

2. Маъруза ва маърузачига қўйиладиган педагогик талаблар. Маърузани муваффақиятли ўқиш, маърузани таълимий ва тарбиявий вазифаларини тадбиқ этиш, қўп жиҳатдан маърузачи ва талабалар аудиторияси ўртасидаги мулоқатга боғлиқ бўлади.

Маърузачи ва талабалар ўртасидаги мулоқатни юзага келтириш учун учта гуруҳ шартлари мавжуддир.

Биринчи гуруҳ шarti маъруза мазмуни ва тузилишига боғлиқ бўлади. Буларга қуйидагилар киради.

Маърузаларга уларни ўтказишга қатъий талаблар қўйилади:

1. Маърузани мазмуни ва тузилиши аниқ ишлаб чиқилган бўлиши керак.
2. Маъруза аниқ режа асосида ташкил этилиши.
3. Маъруза илмий фактлар ва маълум отларга бой бўлиши керак.
4. Маърузада фан-техниканинг энг сўнгги янгиликлари ёритилиши зарур.
5. Маъруза учун материаллар чуқур ўрганилган ҳолда танланиши керак.

6. Маъруза мазмуни асосий тушунчаларни ёритишга қаратилган бўлиши керак.

7. Маърузада илмий адабиётлар тахлили, ўтилаётган мавзуни дарсликда ёритилишига объектив баҳо бериш зарур.

Иккинчи гуруҳ шартлари маърузачини сифатларига қаратилган талаблардир:

1. Маърузачи аниқ ғоявий ва илмий билимларга эга бўлиши.

2. Маърузачи умумий ва илмий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши керак.

3. Маърузачи маърузадаги маълумотларни эркин ҳолда ўзлаштирган бўлиши зарур.

4. Маърузачи ўз предметини чуқур билиши ва илмий иходга кизиқувган бўлиши зарур.

5. Маърузачида лекторлик маҳорати, билим ва малакалар узвийлиги, боғлиқлиги (ўқувчи талабалар диққатини ўзига жалб этиш, талабаларни фикрлаш фаолиятларни йўлга солиш ва бошқалар) мавжуд бўлиши керак.

6. Маърузачида мулоқатга киритиш малакалари ва ташкилотчилик сифатлари мавжуд бўлиши керак.

7. Маърузачини нутқи грамматик ва орфоэпик жиҳатдан саводхон ва тўғри бўлиши, унинг нутқи аниқ, ифодали, тушунарли ва аудиториядагилар учун эшитиларли бўлиши зарур.

8. Маърузачини нутқ суръати (темп) талабаларга маърузани тушунишлари ва асосий мазмунни ёзиб олишлари учун мос бўлиши керак.

9. Маърузачи талабалар билан хушмуомида вақт у билан бирга талабчан муносабатда бўлиши лозим.

Учинчи гуруҳ шартларига қуйидагилар киради:

1. Маъруза соатларини тўғри тақсимланиши.

2. Ўқув жараёнини ўз вақтида, сифатли материаллар билан таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган уч гуруҳ шартлари биргаликда амалга оширилсагина, ҳамма талабларга жавоб берадиган маърузани ўтиш мумкин бўлади.

Маъруза, асосан ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида қулланмоқда. Маъруза дарсларини ташкил этиш анча мураккаб ва қўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Маъруза дарси тажрибали, юксак даражада педагогик маҳорат асосида ташкил этилади. Маърузадан факат фан, ўқув предмети асослари борасидаги маълумотлар бериб қолмасдан, балки ўқувчиларни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаб бориш талаб этилади. Маъруза жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, билим ва фаолият малакасини оширишга қаратилган.

Мактаб амалиётида маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда: маъруза-хикоя, маъруза-суҳбат, маъруза-мунозара ҳамда оммавий маъруза. Маърузалар ёзма шаклда ифода этилади. Шу боис маърузачи-ўқитувчида маъруза мавзуси юзасидан режа ҳамда конспект бўлиши лозим.

Маъруза умумий ўрга таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасаларида 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Маъруза сўзининг маъносини очиб беринг?
2. Маърузанинг ахамияти.
3. Маърузага қўйиладиган талабларни мазмунини очиб беринг?
4. Маърузафига қандай педагогик талаблар қўйилади?
5. Маърузанинг қандай турлари мавжуд.

Адабиётлар:

1. Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р. Педагогика. – Тошкент, 2005.
2. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г. Педагогика (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2006.
3. Подласый И.П. Педагогика.- М.: Владос-Пресс, 2001.
4. Савин Н.В. Методика преподавания педагогики. – М.: Просвещение, 1987.

ҮН. БОБ. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ҲҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИ БИЛИМЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

1. Талабалар билимларининг рейтинг назорати. Мутахассис гайёрлашда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шаклланиш жараёнини назорат қилиш муҳимдир. Тўғри ташкил этилган назарий талабаларни, олинаётган билимларни янада чуқурлаштириш ва энг асосийси уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли воситаларни танлаш имконини беради.

Ҳқув-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакалар шаклланганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, назорат қуйидаги функцияга эга:

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижаси билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.

2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёқини ўстириш функцияси.

3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хислатлари шакллантирилади ва энг асосийси ривожлантирилади.

4. Таълим функцияси.

5. Назоратнинг тарбиявий функцияси.

6. Назоратнинг баҳолаш функцияси.

7. Назоратни талабаларда билимга кизиқишни уйғотиш, жонли фикрлашга ўргатувчилик функцияси. Назорат жорий, оралик, якуний каби 3 та турга эга.

Назорат турли тестлар, ёзма ишлар ва оғзаки савол-жавоблар орқали амалга оширилади. Педагог олимлар И.Турсунов ва У.Нишоналиевларнинг маълумотларига қараганда тестлар орқали қуйидаги имкониятилар яратилади:

- талабалар назарий ва амалий билимларининг даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради:

- бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ ёки кўп сонли талабалар билимини назорат қилиш мумкин;

- ҳамма талабаларга бир хил қийинчиликдаги саволлар берилиб, ҳаммасига бир хил шароит яратилади;

- тест нағижаларини ўқитувчи томонидан тезликда текшириш мумкин;

- турли гуруҳ талабалари билимини солиштириш, қўлланилаётган методни самарадорлигини аниқлаш мумкин;

- таълим жараёнининг камчиликларини аниқлаш мумкин.

Тест атамаси инглизча-синов, текшириш, тадқиқот маъноларини билдириб «Синалаётган шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятларини, шунингдек, интеллектуал ривож, қобилияти ва малакасини текширишда қўлланиладиган стандарт машқлар» демакдир.

Педагогик, услубий адабиётларни таҳлил қилиш нағижасида дидактик тестлар қуйидаги 2 гуруҳга ажратилди:

а) назарий билимларни назорат қилувчан, малака ва қобилиятларни текширувчи ўзлаштириш тестлари;

б) реал, ўқув имкониятлари бўйича (Ю.Бабанский) диагностика тестлар ҳамда умумий ва махсус (масалан, микро ёки макро иқтисодий фани ва бошқа фанлар бўйича) ўқитиш тестлари.

Тестлар типологияси асосида топшириқларни танлаш, уларнинг структуравий ўзаро алоқадорлиги ва таърифлари қуйидаги омилларга боғлиқдир.

1. Тестларнинг фанлараро қўлланиш соҳаси.

а) оралик назорат тестларида мавзулар, боблар бўйича билим ва ўзлаштириш элементларини текшириш:

б) кўп мавзулар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олмаган ҳолда билим ва ўзлаштиришнинг чегаравий назоратини ўрнатиш:

в) кўп фанлар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда билим ва ўзлаштиришларнинг чегаравий назоратини ҳисобга олиш;

г) бутун курс бўйича билимларни назорат қилиш (тест асосида фанлараро туркум тестларни ҳам яратиш мумкин).

Бу ҳолларнинг ҳар бирида фан топшириқларининг қуйидаги саволлари ҳар хил қўйилади: маркетинг-молия, менежмент, солиқлар каби интегратив билимлар ва ҳ.к.

2. Норматив тест тузилишининг умумий йўналиш бўйича мақсади ёки критериялар характердаги тестлардан фарқи шундаки, норматив тестларда йиғилган баллар ҳисоб натижаларига қўра бир гуруҳни бошқа гуруҳ билан гуруҳ ичидагиларни эса бир-бири билан солиштириш мумкин.

Критериялар тестларда эса ҳар бир ўқувчининг қандайдир ўқув ёки мутахассисликка оид топшириқларини ечиш учун зарур бўладиган билим ва ўзлаштириш қобилиятлари очиб берилади, яъни критериялар тестлар ва унга мос топшириқлар ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари аниқ фан соҳалари бўйича ўқитиш мақсадининг минимал талабларига қай даражада эришгани ёки эришмаганлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради.

Норматив тестларда, асосан топшириқни «ечди» ёки «ечмади» деб белгиланса, критериялар тестларда эса топшириқни қайсидир йўл билан ечган ўқувчиларни мураккаб ишларга қуйиш мумкинлиги, уларнинг мураккаб дастурлар бўйича ишни жавом эттира олишлиги ҳисобга олиниши керак.

3. Тестларнинг дидактик-психологик йўналиши қандай тест ишлаб чиқиладиганлиги ёки адаптациясидан ўтаётган тестни унинг муаллифи қандай характерлашни аниқлайди: ✓

а) назарий билимларни назорат қилиш учун ўзлаштириш тестлари;

б) берилган фан (ўқув ва мутахассислик) бўйича билим ва малакаларни назорат қилиш тестлари;

в) ўқитиш тестлари (маълум фан ёки унинг цикли бўйича ўқув имкониятларининг диагностикаси).

4. Назорат босқичлари бўйича йўналиш:

а) кириш назорати (олий ўқув юртига киришдаги ёки курсни фан иклимини ва ўқитиш босқичининг бошланишидаги назорат);

б) кундалик (жорий) назорат ҳар куни амалга ошириладиган ёки ўқув жараёни мавзулари бўйича;

в) чегаравий назорат оралиқ маълум фаннинг алоҳида бўлими тугаши муносабати билан ўтказилади;

г) маълум курснинг тугаши муносабати билан ўтказилади (ёки фан цикли, ўқитиш босқичи ҳамда ўқув юртини тугатиш муносабати билан).

5. Тестлаштиришнинг диагностик даражаси (чуқурлиги) берилган тестдан қўзланган мақсад:

-симптоматик диагностика, яъни билим ва ўзлаштиришнинг «юқори қатламларига» қаратилиши (яъни, маълум қонуният ёки формулаларни билиш, билмаслиги ёки таниш-ноганишлиги ва бошқалар);

- этиологик диагностикага, текширув – алоқа сабаби (нима учун айнан ўша билимларни билмаслиги ва бунинг қай даражада бошқа билимларни билишга боғлиқлиги)га қаратилиши;

- типологик диагностика эса қўқувчининг ўтилатган дарс ва билимларни билишга, ўзлаштириш ва уддалай олишида қандай ғояларни кучайтириш кераклигига қаратилган бўлади.

6. Синалувчининг тестни бажариш фаоллигини оширишда эса ёзма ва оғзаки тестларга мос равишда ёзма ва оғзаки жавобларни қўллаш. Масалан, ҳаракат тестларида (айниқса, компьютерларда клавишларни босишдан тортиб, қисм программаларни чиқаришгача) ҳамда ҳисоблаш ишларини ўтказиш ва графикларни чизиш, лойиҳалаштириш ва ҳ.к.да. Ҳаракат тестлари ўқиш ёки ишлаш қурилмаларида, машқ (тренажерларда) тестларини, айниқса, мутахассислик бўйича ўқитиш тизимларига киритиш мумкин.

7. Тестнинг номогенлик даражаси (бир жинслик) тестни тузувчи муаллиф томонидан режалаштирган бўлади. Шу жумладан:

а) қўзланган мақсадга қараб тестнинг нимани текшириш кераклиги, айниқса, интегратив характердаги асосий элементлардан (масалан, маълум амалларнинг талаб қилинган даражада ёки шу амалларни бажаришда сифат, миқдор, тезлик, кетма-кетлик, жавобгарлик каби бир қанча) омиларни ҳисобга олиш;

б) формал аспектда эса топшириқлар тузилиши шаклининг бир жинслилиги (гомогенлиги) ёки турли шаклда бўлишлиги.

8. Вақт омили – тестнинг тезкор бўлиши, топшириқларнинг функционал равишда маълум белгиланган вақтда бажариш зарурлиги қайси йўл билан, нимага асосланиб вақтини, баҳолаш вақтининг сарфланиш чегараси белгиланган бўлишлиги.

9. Тестлаштиришни ташкил этиш усулларига эса умумий, индивидуал ёки жуда кам қўлланиладиган, лекин жуда самарали ҳисобланган алоҳида усули ҳам текширилувчиларнинг ташхисчи билан юзма-юз, ҳолис (текстлаштиришнинг ЭҲМ воситаларидаги индивидуал дастурнинг замонавий варианты) туриши кабилар кирради.

Тестлар тузилишида жуда серкмпа вазифаларни қўллашга ҳаракат қилинди. Асосан қуйидагича тест-вазифалар қулланилди.



2. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти. Рейтинг тизими туғрисидаги «Низом»да «Талабалар билимини рейтинг орқали баҳолашдан мақсад талабаларда ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаш, топшириқларга ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини мустақил равишда оширишга интилиш ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни ривожлантириш ушбу тарика рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришиш», - деб таъкидланади.

Юқорида келтирилган ҳужжатдаги асосий мақсаддан қатор вазифалар ва талабалар келиб чиқади.

Таълим-тарбиянинг таркибий қисмлари ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлиб, педагогик жараён ҳисобланади. Бу жараённинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ташкил этилган тарбия воситалари тизимига боғлиқдир. Бу воситалар бутун тарбиявий иш тизимининг таркибий қисми деб қаралгандагина ўз аҳамиятини йўқотмайди ва тарбиянинг умумий вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳисобга олиш, текшириш ва билимни назорат қилиш ҳамда баҳолаш, ўқитиш жарайнида муҳим рол йўнайди. Жумладан, талабалар билимини ҳақиқий аниқ ва адолатли баҳолаш ҳамда натижаларни уларга мунтазам равишда маълум қилиб бориш катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Масқур «Низом» талаблари, асосан, талабаларни узлуксиз ўз устиларида фаол ишлашларини, ҳар бир соҳада мустақил ва ижодий ёндашишни, фан асосларини пухта ўзлаштириш учун масъулият сезишларини ҳамда мустақил ишлаш кўникмаларини кенг ривожлантиришни талаб этади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашни туғри йўлга қуйиш, уларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимни доимий равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланишни йўлга қуйиш демакдир. Шу билан бирга ўқитувчи ва талаба ўртасидаги узвий боғланишни юзага келтиради, яна ўқитишнинг ўзаро алоқадор икки воситасини юзага келтиради. Яна ўқитишнинг ўзаро алоқадор икки воситаси

ўқитувчининг фаолияти ва талабанинг меҳнатга онгли муносабатини узлуксиз жараён сифатида доимий бўлиб туришини таъминлайди.

Бунда профессор-ўқитувчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриши, баҳолашга доир меъёр ва мезонларни, саволномалар, тест саволлари ва турли бошқотирмалар ҳамда таянч тушунчаларини тузишдаги масъулият ёндошиш ва тинимсиз меҳнати ётади. Талаба билимини баҳолаш муҳим воситаларидан бири бўлиб, асосан, талабаларнинг хулқи ўзгариши ва тарбиявий таъсири кучайганлигида намоён бўлади.

Ўқитувчининг талаба билимини назорат қилиш ва баҳо қўйиш (баллаш) жараёнидаги хатти-ҳаракати улардаги ҳақиқий билим ва кўникмаларни аниқлашга имкон беради, уларни ортикча ташвишларидан, охирида «ўтмай қолиш» кўркувидан ҳалос этади. Ўзидаги иқтидор ва имкониятга ишонч ҳосил қилган талаба янада фан асосларини чуқурроқ эгаллашга ҳаракат қилади. ўқитувчи билан баҳс-мунозарага киришади, ўзларига ҳам нисбатан талабчан бўлишга одатлантиради.

Ўзбекистон Республика Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 217-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги муваққат Низом»ига оид баҳолаш турлари куйидагича:

- Жорий баҳолаш (ЖБ)
- Оралиқ баҳолаш (ОБ)
- Яқуний баҳолаш (ЯБ)

ЖБда фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билими ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у амалий, семинар ёки лаборатория машғулотларида амалга оширилиши мумкин.

ОБда фаннинг бир неча мавзуларини қамраган ёки алоҳида бўлимлари бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлгандан сўнг, талабанинг назарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян саволга жавоб бериш ёки муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади.

ЖБ ва ОБ турлари ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оғзаки, ёзма иш, тест, назорат иши. уй вазифаси, коллоквиум ва у каби бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

ЯБда талабани билим, кўникма ва малакалари фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯБ семестр якунида ўтказилади.

ЯБ тури ёзма иш усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, химоя ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

Талабанинг фан бўйича мустақил иши ЖБ, ОБ ҳамда ЯБ турларида баҳоланади.

Муайян фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича куйидагича тақсимланади:

ОБ ва ЖБ – 85 балл

ЯБ – 15 балл

Ҳар бир фанга ажратилган соатлар миқдоридан келиб чиқиб балларни аниқ ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун бир соатга тўғри келадиган аниқловчи коэффициентни топиш лозим. ЯБ турига 15 балл Низом асосида бўлганлиги боис, у ўзгаришсиз қолади. Қолган 85 баллни умумий соатлар миқдorigа бўлиб коэффициент (К)ни аниқлаймиз. Масалан, фан бўйича маъруза – 60 соат, семинар – 20 соат, лаборатория – 10 соат, мустақил иш – 20 соат кўзда тутилган бўлса

Маъруза – $a_1 = 60$ с Лаборатория – $a_3 = 10$ с

Семинар (амалий) = $a_2 = 20$ с Мустақил иш – $a_4 = 20$ с

$K = 85 : a_1 + a_2 + a_3 + a_4 = 85 : 60 + 20 + 10 + 20 = 85 : 110 = 0,77$

ОБ = $a_1 \times k = 60 \times 0,77 = 46,3$ балл

ЖБ = $(a_2 + a_3) \times k = 30 \times 0,77 = 23,3$ балл

МИ = $a_4 \times k = 20 \times 0,77 = 15,4$ балл

ЯБ = 15 балл

Жами: 100 балл

Эслатма: МИ (муस्ताқил иш)даги 15.4 балл юқорида келтирганимиздек, фан хусусиятидан келиб чиқиб, ЖБ ва ОБ лар таркибига киритилади.

Биз барча учун умумий бўлган куйидаги амалларни талабалар билан бажаришни тавсия этамиз:

1. Фан ўқитувчиси семестр давомида ўқитиладиган фанни соатлар тақсимотини аниқ билиши лозим;

2. Талабаларга биринчи машғулотдаёқ баҳолаш турларига дахлдор баллар миқдорини бериши шарт.

3. ЖБ ҳар бир жуфтликка бериладиган балл миқдори талабанинг куйидаги ҳаракатлари учун берилади: машғулотга катнашиш ва фаол иштироки; топширилган топшириқни бажарилганлик даражаси; дафтар тутиши ва имловий хатоларга эътибор қаратилиши, олинган натижаларни илмий ва изчил асослай олиши, ҳозиржавоблиги, топқирлити ва ижодий фикрлар билан катнашиши.

4. Оралик баҳолашга ажратилган балл миқдорини талаба дарсга доимий фаол катнашиши ҳамда босқичларда бажарадиган ишларнинг натижасига кўра тўплайди. ОБда бажариладиган ишлар: саволномаларга ёзма жавоб бериш, тест саволларини ечиш, алоҳида боб ёки мавзуларга ижодий иш тарзида тест саволларни, бошқотирмалар ёки ребуслар тузиш, айрим мавзулардан рефератлар ёзиш ёки мавзулардан оғзаки савол-жавоб қилиш кабилардир.

5. ЯБга Низом бўйича ажратилган 15 баллга мослаб, семестр охирида таянч тушунчаларга асосланган вариантлар тузилади ва талаба ўз вариантга жавоб тарзида «Ёзма иш» ёзади. ЯБдаги баллар миқдори ёзма ишнинг куйидаги ҳолатлари учун берилади: вариант саволлари карамаган таянч тушунчаларга ёзилган жавобнинг мукамаллиги, талабанинг саводли ва илмий тилда баён этишдаги эътибори, фикр-мулоҳазаларининг асосли ва мантикли эканлиги, дафтарни тутиш ва жиҳозлаш тартибига риоя қилинганлиги, хулосалар ва фойдаланган адабиётларни келтирилиши кабилардир.

Умуман, рейтинг тизими куйидагича вазифаларни бажаришга қаратилганлигини унутмаслигимиз лозим:

- фаннинг талаба томонидан тизимли тарзда белгиланган муддатларда ўзлаштиришини ташкил қилиш;

- талаба ўзлаштиришини мунтазам баҳолаб бориш;

- талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- талабанинг билимини адолатли ва аниқ баҳолаш;

- баҳолаш натижаларини мунтазам маълум қилиш ва таҳлил этиш;

- профессор-ўқитувчиларнинг ҳар бир дарсга ва баҳолаш жараёнига масъулиятини ошириш;

- ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

Юқорида келтирганларимиздан кўринаднки, билимга баҳо қўйиш битта машғулотнинг барча қисмларига сингиб кетиши билан бирга бутун фаннинг мазмунидан ҳам хабардор бўлиниш тақозо этади. Бу эса ўқитувчи ва талаба ўртасидаги доимий ижодий муносабатни амалга оширишни талаб этади. Улар ўтилган материалларни қайтариш, янги материалларни тушуниш учун замин эканлигини тушуниб етадилар, барча топшириқларни ўз вақтида бажаришга фаоллик кўрсата бошлайдилар. Талабаларни ЖБ, ОБ ва ЯБ лар билан баҳолар эканмиз, албатта, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ёритиб беришимиз, жавобларини ёки ёзма бажарган ишларини таҳлил қилишимиз лозим. Чунки фан ўқитувчиси талабанинг семестр давомида бажарган ишлари, фаол иштироки ва бошқа жавобларини аниқ ҳисобга олиб бормаса ва натижавий баллни чиқарганда қисқача изоҳлаб бермаса, уларга қўйилган баҳонинг туғрилигига шубҳа туғилиши мумкин.

Талаба ўз билимининг қандай ютуқ ва камчилиги борлигини тушуниб, нима учун унинг балли ошганлигини ёки пасайганлигини англагандагина у рағбатлантирувчи рол ўйнаши мумкин. Талаба ўз хатосини тушунгач, уни туғрилашга онгли равишда интилади. Акс ҳолда, бу талабага ҳам, унинг

ўқишга бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир этади. Унда тиришқоқлик, ўз билимига ва иқтидорига бўлган ишонччи пасая боради, ўқитувчига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлиб уни «адолатсиз»га чиқариб қўяди.

Ўқитувчининг тўғри ва адолатли асослаши, гарчи, салбий характерда бўлса ҳам, талабани қаноатлантиради. Ўқитувчи билимини доим назорат этиб балл билан баҳолар экан, талабанинг ишига бўлган муносабатини айтиб ўтади. Эришган ютуқлари учун рағбатлантирса, камчилиги учун қийида. Уни бартараф қилиш мумкинлигини ҳам ижодий ғайёгарлик пайтида асосий эътиборни нималарга қаратиш кераклигини кўрсатади. Бундай асослаш талаба ютуқларининг аниқ баҳоси бўлибгина қолмай, балки унинг бундан кейинги ўқишдаги вазифаларини бажаришга ёрдам беради. Бу, талабада умид уйғотади. Ўзига бўлган ишонччи мустаҳкамлайди ва ўқитувчи-устозга нисбатан ҳам эътиқодни янада қучайтиради. Энг асосийси улар келажакда ўз фаолиятларига танқидий кўз билан қарайдиган жиддий шахслар бўлиб егишадилар.

Бир сўз билан айтганда билимини тўғри ва ҳаққоний баҳолаш ўқитувчининг педагогик фаолиятига ҳам катта таъсир кўрсатади ва қўйилган баҳога жавобгарлигини оширади. Баҳо талабага таъсир этиб, унинг ижодий ва салбий кечинмаларини жумбушга келтирувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу кечинмалар фақат баҳонинг қандайлигига боғлиқ бўлмай, балки унинг талаба онгига қандай етказишига ҳам боғлиқдир. Фақат юқорида айтиб ўтилган шартларга риоя қилиб, ҳамма томон ҳисобга олинган ҳолда, қўйилган объектив баҳо талабаларда ахлокий-иродавий хусусиятларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Савол ва топшириқлар:

1. Талабалар билимини назорат қилишнинг тарбиявий аҳамияти.
2. Назорат қилиш турлари.
3. Талабалар билимларини рейтинг назорати.
4. Тест ва унинг имкониятлари.
5. Тестларни турлари.
6. Талабаларни билимини назорат қилиш ва баҳолашда ўқитувчига қўйиладиган талабалар.

Адабиётлар:

1. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар туплами/ С.С.Фулломов таҳрири остида.- Тошкент: Шарк, 2001.
2. Мавлонова Р., Тураева О. Педагогика.- Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
3. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г. Педагогика (ўқув қўлланма).- Тошкент: Фан, 2006.
4. Турсунов Й., НишонлиевУ. Педагогика курси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

ИЛОВА

Давлат таълим стандартлари.

ДТС (давлат таълим стандарти) таълим мазмуни шакллари воситалари, усуллари ва уларнинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида, мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли таълим муассасаларида (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. ДТС ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ўқув режаси ва бошқа маъёрий ҳужжатларни яратиш учу насос бўлиб хизмат қилади. ДТСни. унинг талабларини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсуннишдан қатъи назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълимнинг ДТС қуйидаги тасоифларига таянган ҳолда ишлаб чиқилади:

ДТС ни давлат ва жамият талаблари ва шахс эҳтиёжига мослиги

ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги;

умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги

умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълим мазмунининг инсонпарварлиги

таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудлардаги бирлиги ва яхлитлиги

умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари таллашда инновация (илғор) технология ютуқларига таяниши

педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги

илғор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларида миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш

Ўқув дастурлари куйидаги тамойиллар асосида тузилади:

Дастур мазмунининг илмий хусусиятга эгаллиги

Дастур мазмунининг ижтимоий-ғоявий хусусиятга эгаллиги

Назарий ғояларнинг амалиёт билан бирлиги


Дастур мазмунининг ижобий-гарнхий хусусиятга эгаллиги ва аниқ бир ғояга асосланганлиги

Дастур мазмунининг муайян тизимга эга бўлиши

Ўқув предметлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланишнинг мавжудлиги

Дастурий тайёрлашда ўқувчиларнинг психологик ва руҳий хусусиятларини инобатга олиш

Таълим принципларига куйидагилар киради



ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди.

«Метод» юнонча *metodos* сўз бўлиб, «йўл», тадиқ килиш каби маъноларни англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятларидир.

Ўқув материални ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик усулларини, миллий истиқлол ғоясига ҳамда миллий кадриятларга асосланган ахлоқ, хулқ-атворнинг иродавий сифатларини шакллантиришга олиб келиши керак.

Таълим методи илмий далилар билан равшан ва аниқ асосланган бўлиши лозим.

Таълим методларнинг гизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди.

Таълим методлари олдига муқаррар суръатда қўйиладиган яна бир талаб – уларнинг тушунарли бўлишидир.

Ўқитиш йўли ўқувчига тушунарли ва мақбул бўлиши, ўқув материални ўрганиш усуллари эса унинг билимларни ўзлаштиришдаги ёш имкониятларига мувофиқ келиши лозим.

Ўқув жараёнида қўргазмали қурооллардан фойдаланиш

Таълим беришда билимларнинг асосли ва пухта бўлиши

ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



ОҒЗАКИ МЕТОДЛАР




Дарслик ва китоб билан
ишлаш

Дарс жараёнида дарслик
ва ўқув адабиётлари
билан ишлаш

Дарс мавзусига боғлиқ
ҳолда синф ва синфдан
ташқари вақтларда дарслик
ва ўқув адабиётлари билан
мустакил ишлаш

Кўргазмалилик методи



Намойиш этиш методи

Дарс ёки дарс машғулотининг асосий қисмида ўтиладиган мавзунини намойиш қилиш

Бошқа мустақил таълим методлари билан олиб бориладиган дарсда намойиш этиладиган материаллардан фойдаланиш

Тасвирий кўргазмали материаллар

Буюм, нарсани ҳодисани воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар: расм, сурат (фото-сурат), диафильм ва бошқалар

Буюм, нарсани, воқеани ҳодисаларни бирор шартли белги орқали ифодаланган рамзий ва схематик тасвирий материаллар, карталар, чизмалар, диаграммалар ва ҳ.к.



Лаборатория машғулоти турлари

Кузатиш

Тажриба ёки
синов ўтказиш

Тегишли асбоб ёки
қуроллар орқали
маълум объектни
ўлчаб кўриш

Олинган натижани умумлаштириш ва хулосалаш

Лаборатория методи асосида ўтиладиган
машғулот хусусиятига қараб қуйидаги
шаклда ташкил қилинади:

Ўқувчилар
билан оммавий
машғулотлар

Ўқувчилар
билан гуруҳли
машғулотлар.

Ҳар бир ўқувчи
билан якка
тартибда
машғулотлар.

**Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли
хисобланади.**

Синф-дарс тизими қуйидаги мазмунга эгадир:

		Дарс		
Ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади	Дарс жараёни асосан 45 дақиқа жавом этиб, катъий жадвал асосида олиб борилади;	Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигида асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳи ва якка тартибда олиб борилади;	Дарс машғулоти утилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади.	

**Дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги
дидактик талаблар қўйилади.**

Дарснинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги

Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги

Ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларни танлаш;

Машғулотларнинг турли шакллари: жамоа, гуруҳли ва якка тартибдаги шаклларини мақбул равишда қўшиб олиб бориш

Ўқитувчининг раҳбарлик вазифаси билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш

Дарсларнинг узаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш

Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;

Дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш;

Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш;

Дарсда ўқувчилар эркинлигини таъминлашга эришиш.

ДАРСЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Дарс турларига куйидагилар кирди.

Янги билимларни баён қилиш дarsi

Утилган материални мустаҳкамлаш дarsi.

Уқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дarsi.

Такрорий-умулаштирувчи дarsi.

Аралаш дarsi

Янги билимларни баён қилиш дарслари.

Бу дарснинг тузилиши куйидагича:

• Дарсни ташкил қилиш

Янги билимларни баён қилиш.


Янги билимларни мустаҳкамлаш.

Янги билимлар устида машқ утказини.

Янги билимларга боғлиқ уй машғулотлари бериш.

Дарсни яқунлаш.

Аралаш дарс турининг
таркибий тузилиши



Таълимни ташкил этиш шакллари

Анъанавий
таълим
шакллари
(синф-дарс
тизими)

а) янги билимларни баён қилиш дарси;
б) ўқилган материални мустаҳкамлаш дарси;
в) билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такрорий умумлашма дарслар;
д) аралаш дарси

Якка
тартибдаги
таълим

Репититор
лик
таълим

Анъанавий
бўлмаган
(ноанъанавий
таълим
шакллари)

а) маъруза;
б) факультатив;
в) семинар;
г) лаборатория машғулоти;
д) экскурсия;
е) баҳс-мунозара;
ж) давра суҳбати;
з) викторина;
и) матбуот конференцияси;
к) мўъжизалар майдони ва бошқалар.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР.

Интерфаол методлар жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этни усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

уларга қуйидагилар киради:

- ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши


- ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга

ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- ўқувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши

педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳамisha ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

ПЕДОГОГИК ЖАРАЁН



Технологик карта.

Мавзу:	
Мақсад, вазифалар	
Ўқув жараёнининг мазмуни	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Метод: Оғзаки баён қилиш, суҳбат-мунозара.</p> <p>Форма: Амалий машғулот, кичик гуруҳларда ва жамоода ишлаш.</p> <p>Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, ариза.</p> <p>Усул: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида.</p> <p>Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузагиш, ўз-ўзини назорат қилиш.</p> <p>Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балли система асосида.</p>
Кутиладиган натижалар	<p>Ўқитувчи:</p> <p>- Мавзунинг қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир вақтнинг ўтиши билан талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади.</p>

	<p>Ўқувчи-талаба:</p> <p>Янги билимларни эгаллайди. Якка холда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганadi. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганadi. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.</p>
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	<p>Ўқитувчи:</p> <p>Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсада тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзунини ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.</p> <p>Ўқувчи-талаба:</p> <p>Матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини раво баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб бир ечимга қелиш малакасини ҳосил қилиш.</p>

Маъруза. «Маъруза» (лекция) сўзи лотинча бўлиб, русча таржимادا «ўқитиш» дейилган.

Маъруза – бу, ўқитувчи томонидан билимни баён этиш. Маърузада кенг ҳажмли билим монологик пўл билан баён қилинади. Қоидага кўра, маъруза методи юқори синфларда қўлланади. Маърузанинг моҳияти шундаки, у ўқувчиларнинг билимини тўлиқ ва тугалланган, мантиқан, ўзаро боғлиқ холда ўзлаштиришига ёрдам беради.

Маърузанинг мазмунли, самарали бўлиши учун:

- аниқ, ўйлаб тузилган режани ўқувчиларга таништириш.

- режанинг ҳар бир қисми бўйича берилган маълумотни яқунлаш.

баён ўқувчиларга тушунарли ва кўргазмали, ёркин бўлиши.

баён ўқувчиларда муҳим ўринларни билиб олишга қизиқиш
уйғотадиган

Маъруза ва маърузачига қуйиладиган педагогик талаблар.

Маърузачи ва талабалар ўртасидаги мулоқатни юзага келтириш учун
учта гуруҳ шартлари мавжуддир.

Биринчи гуруҳ шarti маъруза мазмуни ва тузилишига боғлиқ бўлади.

Буларга қуйидагилар киради.

Маърузаларга уларни ўтказишга қатъий талаблар қуйилади:

1. Маърузани мазмуни ва тузилиши аниқ ишлаб чиқилган бўлиши керак.
2. Маъруза аниқ режа асосида ташкил этилиши.
3. Маъруза илмий фактлар ва маълум отларга бой бўлиши керак.
4. Маърузада фан-техниканинг энг сўнгги янгиликлари ёритилиши зарур.
5. Маъруза учун материаллар чуқур ўрганилган ҳолда танланиши керак.
6. Маъруза мазмуни асосий тушунчаларни ёритишга қаратилган бўлиши керак.
7. Маърузада илмий адабиётлар таҳлили, ўтилаётган мавзунини дарсликда ёритилишига объектив баҳо бериш зарур.

Иккинчи гуруҳ шартлари маърузачининг сифатларига қаратилган талаблардир:

1. Маърузачи аниқ ғоявий ва илмий билимларга эга бўлиши.

2. Маърузачи умумий ва илмий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши керак.

3. Маърузачи маърузадаги маълумотларни эркин ҳолда ўзлаштирган бўлиши зарур.

4. Маърузачи ўз предметини чуқур билиши ва илмий иходга кизикувган бўлиши зарур.

5. Маърузачида лекторлик маҳорати, билим ва малакалар узвийлиги, боғлиқлиги (ўқувчи талабалар диққатини ўзига жалб этиш, талабаларни фикрлаш фаолиятларни йўлга солиш ва бошқалар) мавжуд бўлиши керак.

6. Маърузачида мулоқатга киритиш малакалари ва ташкилотчилик сифатлари мавжуд бўлиши керак.

7. Маърузачини нутқи грамматик ва орфоэпик жиҳатдан саводхон ва тўғри бўлиши, унинг нутқи аниқ, ифодали, тушунарли ва аудиториядагилар учун эшитиларли бўлиши зарур.

8. Маърузачини нутқ суръати (темп) талабаларга маърузани тушунишлари ва асосий мазмунни ёзиб олишлари учун мос бўлиши керак.

9. Маърузачи талабалар билан хушмуомила ва у билан бирга талабчан муносабатда бўлиши лозим.

Учинчи гуруҳ шартларига куйидагилар киради:

1. Маъруза соатларини тўғри таксимланиши.

2. Ҳақиқатга эришишнинг ўз вақтида, сифатли материаллар билан таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган уч гуруҳ шартлари биргаликда амалга оширилеагина, ҳамма талабаларга жавоб берадиган маърузани ўтиш мумкин бўлади.

Мақтаб амалиётида маърузанинг куйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда: маъруза-хикоя, маъруза-суҳбат, маъруза-мунозара ҳамда оммавий маъруза. Маърузалар ёзма шаклда ифода этилади. Шу боис маърузачи-ўқитувчида маъруза мавзуси юзасидан режа ҳамда конспект бўлиши лозим.

Маъруза умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасаларида 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим

МАЪРУЗАНИНГ ТУРЛАРИ

Маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда

Маъруза- ҳикоя,	Маъруза- суҳбат	Маъруза- мунозара	Оммавий маъруза
--------------------	--------------------	----------------------	--------------------

Босишга руҳсат этилди 25.03.2008 й. Формат 60x84/16.

Ҳажми. 7. Адади: 100 нусха. Буюртма № С-2440

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.